

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БМИни ҳимоя учун ДАКга

тавсия қиламан» факултет

декани _____ Т.Шарипов

« ____ » _____ 2014 йил

«Касб-ҳунар таълими» кафедраси

5140956 касб таълими: сервис техника ва технология

таълим йўналиши бўйича

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Нон пишириш технологияси ҳақида асосий маълумотлар”
бобини ўқитишда ноанъанавий таълим усулларида фойдаланиш
(Касб – ҳунар коллежлари мисолида)**

Бажарди: КТС – 110 гуруҳ талабаси:

Нуралиева Д.

Илмий раҳбар: «Касб-ҳунар таълими»

кафедраси катта ўқитувчиси:

Тўхтамишов А.

Малакавий иш муҳокама қилинди ва ҳимояга рухсат
берилди: «Касб-ҳунар таълими» кафедраси мудири,
п.ф.н., доцент _____ О.Ж.Суюнов

« ____ » _____ 2014 йил

САМАРҚАНД – 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I-БОБ.ЎЗБЕКИСТОНДА НОАЪНАВИЙ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.

1.1. Ўрта махсус таълим тизимида ноаънавий таълим усулларида фойдаланишни уйғунлаштириш технологиялари

1.2. Касбий таълимда ноаънавий таълим усулларида фойдаланиш йўналишлари.

1.3. Нон маҳсулотларининг асосий турлари , тайёрлаш технологияси ва тавсифлари

II-БОБ.КАСБИЙ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА НОАЪНАВИЙ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

2.1. Ноаънавий таълим усулларида фойдаланишни таълим технологиялари ва уни дарс жараёнида қўллаш механизми

2.2. Ўқув жараёнида нон пишириш технологияси ҳақида асосий маълумотлар бобини ўқитишда ноаънавий таълим усулларида унумли фойдаланиш имкониятлари

III.БОБ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА НОАЪНАВИЙ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ.

3.1. Нон пишириш технологияси ҳақида асосий маълумотлар бобини ўқитишда таълим технологияларни татбиқ этиш буйича амалий тадқиқотни ташкил этиш ва унда қўлланилган услублар таҳлили.

3.2. Сартепо туризм ва маиший хизмат кўрсатиш коллежида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ва мажбуриятлари.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илова

Кириш

Мавзунинг долзарблиги Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ўрта махсус, касб-хунар таълимини янги типдаги таълим муассаси сифатидаги ривож, педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Касб-хунар коллежлари тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими берувчи ўқув муассасаси бўлиб, у ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, таълим жараёнида ўқувчиларни ривожлантиришга қаратилган.

Бу муҳим вазифани ҳал этишда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг муҳим таркибий қисми – янги типдаги ўқув муассасаси бўлган касб-хунар коллежлари алоҳида аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам, сўнгги йилларда малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнида ноаъанавий таълим усулларидан фойдаланишга кўпроқ эътибор берилмоқда. Ноаъанавий таълим усулларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Ноаъанавий таълим усулларидан фойдаланишда ўқув материали шундай баён этиладики, талабалар фаол билиш ва мустақил ўзлаштириш жараёнида янги билим ва кўникмаларга эга бўладилар;

2. Ноаъанавий таълим усулларидан фойдаланиш негизида мустақил фикрлашга ундаш ётади.

Ноаъанавий таълим усуллари – талабаларни, билим доираларини кенгайтирувчи, уларда ҳозиржавоблик хусусиятларини тарбияловчи, фаоллаштирувчи ва уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи каби бир қатор дидактик вазифаларни ижро этади. Тадқиқотлар натижасида қайд этилганидек, агар машғулот одатдаги - фақат тинглаб ўтиришга асосланган усулда ўтказилганда, талабалар ахборотнинг кўпи билан 40 фоизини ўзлаштирган бўлса, ноаъанавий таълим усулларидан фойдаланилса, натижа 60-70 фоизгача ошганлигини кўрсатган.

Ноъанавий таълим усулларида фойдаланишни самарадорлиги яна шундан иборатки, унинг қатнашчилари яхлит тизимли билимга эга бўлади ва ўқув-тарбиявий жараёни амалиёт билан бевосита боғлаб олиб боришни таъминлайди деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотнинг мақсади: Касб-ҳунар коллежларда ноъанавий таълим усулларида фойдаланишни илмий-назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларини ўрганиш ва қўллашнинг амалий тавсияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифаси:

Тадқиқотни мақсадларидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгилаб олинди ва ҳал этишга ҳаракат қилинди:

- Мавзу юзасидан иқтисодий ва педагогик адабиётлар таҳлили;
- Ноъанавий таълим усулларида фойдаланишни ўрганиш ва иқтисодий дунёқарашини шакллантириш муаммосига доир замонавий таълим ва ахборот -технологияларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш;
- Таълим жараёнида ноъанавий таълим усулларида фойдаланишнинг афзаликларини асослаб бериш.
- Таълим жараёнида ноъанавий таълим усулларида фойдаланишни таълим-тарбия жараёнидаги ўрнини аниқлаш.

-Дарс бериш жараёнида ёшларнинг иқтисодий дунёқарашини шакллантиришда ноъанавий таълим усулларида фойдаланишнинг амалий ва методик жиҳатларини тадқиқ этиш ва тегишли хулосалар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: Саттепо туризм ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг таълим жараёни.

Тадқиқот предмети: Касб-ҳунар коллежларга ноъанавий таълим усулларида фойдаланиш орқали, талабаларда иқтисодий дунёқарашини шакллантириш методларининг амалий ва методик жиҳатларини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги” қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов

асарлари тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси сифатида олинди. Аниқ вазифаларни ҳал қилишда иқтисодий ва таълим технологияларини ёритиб берган педагогик адабиётлардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти: Тадқиқот натижасида республикамиз таълим муассасаларида “Нон пишириш технологияси ҳақидаги асосий маълумотлар” бобини ўқитишда ноъбанавий таълим усулларида фойдаланиш ” мавзусини ўқитишда мавжуд камчиликлар ва ютуқлар ўрганилди. Натижада ушбу мавзунини ўқитиш, ноъбанавий таълим усулларида фойдаланишни такомиллаштириши бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Тадқиқот материаллари ноъбанавий таълим усулларида фойдаланиш- ни жорий этиш бўйича маъруза матни тайёрлашда ҳамда коллежларда методик амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

I.БОБ ЎЗБЕКИСТОНДА НОАЪНАВИЙ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.

1.1. Ўрта махсус таълим тизимида ноаънавий таълим усулларида фойдаланишни моҳияти ва уни ўзига хос технологиялари.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижаларидан энг муҳими сифатида давлатимиз томонидан ёш авлодга таълим бериш, уларни тарбиялаш, илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмуни қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди. Янги ўқув режалари, дастурларни, дарсликларни жорий этишни, замонавий дидактик таълимотни ишлаб чиқишни, ўқув юртларни аттестациядан ўтказишни ва акредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларни ташкил этишни тақозо этди.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб ва қийин фаолият жараёни бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилгандир. Хусусан, қадимги дунё тарихидан яхши биламизки, милоддан аввалги даврларда ҳам ёш авлод тарбияси ўзининг маънавий қиёфаси ва ақлий қобилияти билан жамият аъзолари ўртасида юксак ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган кишилар, донишмандлар зиммасига ишониб топширилган. Ушбу ҳолат ёш авлод тарбияси унинг ташкил этилиши мазмуни нафақат шахс камолотини балки жамият тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Тадқиқотлар мамлакатимизда мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга муҳим омиллар таъсир этаётганлигини кўрсатмоқда:

- Республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;
- мамлакат иқтисодиётида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши,

республика иқтисодиёти асосан хом ашё йўналишдаги рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятини кенгаяётганлиги;

- давлат ижтимоий сиёсатида шахс маданияти ва таълим устиворлиги қарор топганлиги;

- миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;

- Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрўсининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.¹

Энди ҳаёт жараёнидаги ислоҳий ўзгаришлар, янгиликлар таълим жараёнига, тизимга кириб бориши ва ўқитишни ноъанавий усуларидан фойдаланишни ташкил этиш лозим.

Менинг назаримда, таълим тизимимизни миллий моделини ҳаётга жорий қилиш учун талабаларни ўқув фанлари қурилишининг умумпедагогик, умумдидактик асослари билан қуроллантириш керак. Талабаларда таълим, фан, ишлаб чиқаришни самарали интеграциялаш механизмлари, мазмуни ва услубларини шакллантириш мақсадида ўқитишни илмий тадқиқот билан қўшиб олиб бориш керак бўлади. Фанлар бўйича ҳар бир тушунчани ўзлаштиришда назарий-амалий машғулотлар узлуксизлиги ва узвийлигининг педагогик, психологик асосларини шакллантириш керак. Демак, дидактик масалаларни ҳал этишда шахснинг маълум сифатларини шакллантириш зарур бўлса, шарт шароитлар-ўқувчи (талаба)ларнинг бошланғич сифат кўрсаткичлари, ахборот эса ўқув предметининг мазмуни ёки тарбиявий таъсири ҳисобланар экан.

Ҳар қандай таълим жараёни ўзаро бир-бирини тақозо этувчи ўқитиш – ўқиш фаолиятини кўзда тутди. Бунда, махсус ихтисослик фанлари бўйича

¹ И.Каримов.«Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Тошкент.: 1998. -64 б.

машғулотларни ташкил қилишда талаба фаолияти икки томонлама характерга эга, яъни назарий билимларни ўзлаштириш ҳамда уларни қўллашнинг амалий кўникма ҳамда малакаларини ўзлаштириш. Улар ўқитувчи ва талаба шахси фаолиятини уйғунлаштириш технологиялари асосида олиб борилади ва таълим жараёнида бирлашиб бир бутун педагогик жараёни ташкил этади. Ушбу хусусият таълим бериш жараёни ва методларига ҳам тааллуқлидир.

Таълим тизимимизда белгиланган вазифаларни босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги натижасида, республикаимиз таълим тизимида туб ислохотлар содир бўлиб, у ривожланган мамлакатлар таълим тизими билан уйғунлашиб бормоқда. Бу жараёнда тайёрланаётган кадрларнинг касбий мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг энг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда: «Агар ўқувчилар фикрлашга ўрганмаса, таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта билим ҳам керак. Аммо у ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир.»² Чунки, бозор иқтисоди шароитида фақат мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган шахсгина, ижтимоий ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топаолади, жамият учун ҳам, ўзи учун ҳам фойдали бўлади ва турли ғаразли оқимлар таъсирига берилмайди. Шунинг учун ҳам, сўнги йилларда малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнида талабаларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи ноаъанавий таълим усулларида фойдаланишга кўпроқ эътибор берилмоқда. Ноаъанавий таълим усулларида фойдаланишни ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ўқув жараёни замонавий талаблар асосида ташкил этилади, талабалар билиш ва мустақил ўзлаштириш давомида янги билим ва кўникмаларга эга бўладилар;

² И.А. Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” Т.: Маънавият 2008й 63 – б.

- ноъанавий таълим усулларида фойдаланиш марказида талабани ижодий фикрлашга жалб этиш ётади.³

Изланишларимиз таълим муассасалари стандартларини янги дастурлар асосида амалга оширишда анъанавий методларни ўзи етарли бўлмай қолганлигини кўрсатмоқда. Ҳозирда ноъанавий таълим усулларида фойдаланиш натижасида дарс жараёнини фаоллаштирувчи ва ўқувчилар билан муаммоли, дастурли, изланувчан методлардан кўпроқ фойдалана оладиган, амалий машғулотларда эса ишчан ва педагогик ўйинлардан, индивидуал топшириқлар бериш, ўқувчилар яккама якка ва гуруҳий фаолиятларини уйғунлаштиришни амалга оширилиш имконини яратиш зарур шартлардан бири бўлиб қолди.

Замонавий дарс халқаро RWCT лойиҳаси тавсияларига мувофиқ ҳолда, ноъанавий таълим усулларида фойдаланишни тренинг шакли ва у мантикий-таркибий жиҳатлари қўйидаги босқичлардан ташкил топади деб ҳисоблаймиз:

- 1.Ноъанавий таълим усуллари ташкиллаштириш,
2. Ноъанавий таълим усулларида фойдаланишга даъват,
- 3.Ноъанавий таълим усуллари мустақил ўзлаштириш,
- 4.Ноъанавий таълим усуллари умумлаштириш-мустаҳкамлаш,
5. Уйга вазифа бериш босқич (фаза)ларидан иборат бўлиши лозим.

1.Ноъанавий таълим усуллари ташкиллаштириш, босқичда одатдаги муолажалардан ташқари микрогуруҳларни шакллантириш, ақлий ёки ҳаракатли ўйин ўтказиш, дарс мақсадларини аниқлаш ва муҳокама қилиш, агар лозим топилса. уни талабалар таклифини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш ҳамда яқдиллик билан қабул қилинишига эришиш, янги материални ўрганишга оид ўқув мотивлари шакллантирилади.

2. Ноъанавий таълим усулларида фойдаланишга даъват, босқичида микрогуруҳларда иш ташкил қилиб янги ўтиладиган мавзу бўйича талабаларда мавжуд ахборот фаоллаштирилади. Бу фазанинг аҳамияти

³ Қ.Ишматов “Педагогик ўйинлар” Н. НамМПИ 2007 йил 5-8 б.

шундан иборатки, унда янги билимларга, ўзи мустақил танлаган мақсад учун интилиш ўқувчида анчагина кучли бўлади. Зеро, нейролингвистик дастурлаш(НЛП)да ўзлаштирилган ахборотлар билан боғлиқ бўлган ҳамда янгисини ўзлаштиришга асос бўлган билимларгина мустаҳкам ўзлаштирилади. Чақирув фазасида қуйидаги уч мақсадни амалга оширилади: **биринчи мақсад** - талаба янги ўрганилаётган муаммо бўйича қандай маълумотларга эга эканлигини аниқлашдан иборат; **иккинчи мақсад** - талабани фаоллаштиришдир. Буни, уларнинг сусти фаолиятдани воз кечиби, жадаллашган, аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятга қизиқиш уйғотиш деб баҳолаш мумкин. Бу - аввал олинган билимларни онглилик даражасига кўтариш, уни ўзига ёки шеригига ёзма ёки оғзаки шаклида баён қилишдек фаоллашган фаолиятда амалга оширилади; **учинчи мақсад** ҳам ниҳоятда муҳим ҳисобланиб, у муайян мавзу (ўқув саволини) ўрганишга оид мотив вужудга келтиришдан иборат бўлади. Машғулотнинг мақсадини, шунингдек, талабаларнинг ўзлари мустақил равишда аниқлаган мақсадларни ҳам, уларнинг шахсий мақсадига эришиш фақат ўқитувчи томонидан белгиланган мақсадларга эришишга нисбатан анчагина самарали бўлади. Бу фазада аклий хужум, кластер, “Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим”(Б-Б-Б)” жадвалининг “билиман” ва “билишни хоҳлайман” қисмларини тўлдириш каби ўқитишнинг интерфаол стратегияларидан фойдаланиш яхши самара беради.

3.Ноъанавий таълим усуллари мустақил ўзлаштириш – ифодалаш, фикрлашнинг иккинчи фазаси бўлиб ҳисобланади. Унда талабалар янги ахборот (ғоя)лар билан тўқнашади. Бу ахборот талабаларга матн, видеофилм, оғзаки баён.ва тажриба ишларини бажариш шаклларида тақдим этилиши мумкин. Бу фазанинг бош вазифаси чақирув фазасида яратилган фаоллик ва қизиқишларни ҳамда ҳар бир талабанинг ўзлаштиришга оид интилишларини сақлаб туришдан иборат бўлади. Бундан ташқари, талабалар, ўзларининг тушунишларини ўзлари кузатиб боришлари муҳимдир. Улар янги ахборот(ғоя)ларни, бу ҳақда ўзларида аввал шаклланган тасаввурлар билан

боғлаб, уларнинг ўзаро муносабатлари таққослаб борадилар, яъни янги ахборот даъват фазасида фаоллаштирилган ахборот билан боғланади. Янги ўқув материалнинг тушуниб, ўзлаштирилишига эришиш бу фазанинг энг муҳим вазифасидир..

Англаш-ўзлаштириш босқичида микрогуруҳлар, “Б-Б-Б” жадвалининг “Билиб олдим” қисмини тўлдириш, матнни инсерт, зиг-заг - 1, зиг-заг - 2 усуллардан фойдаланиб ўқиш, икки қисмли кундалик каби интерфаол стратегиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

RWCT лойихаси бўйича дарснинг учинчи фазаси *мулоҳаза* қилиш деб аталади. Бу фазага алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки, айнан шу фазада талабалар янги ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлайдилар ва ўзларининг шахсий фикрларини баён қиладилар, олдинги тасаввурларини (агар зарур бўлса) ўзгартирадилар. Шунингдек, бу фазада талабалар жонли тарзда фикр алмашиб, ўзларининг луғат бойликлари ҳам бойитадилар. Бунинг натижасида олдинги фазаларда ўзлаштирилган билимлар умумллаштирилади, мустаҳкамланади ва ўрганилаётган масала бўйича олдинги фазаларга нисбатан бошқача (тўлароқ) тасаввур шаклланади ҳамда у “ўқиганлик” нинг ортишига олиб келади. Талаба ўз ўқув мақсадига эришгандагина бундай ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Шундай қилиб, учинчи фазада талаба билимини ўзлаштиришнинг қуйироқ даражасидан, унинг юқорироқ даражасига ўтказиш содир бўлади. Бу - унинг янги ғоя ва ахборотларни ўз сўзи билан ифодалай олишида акс этади. Талабалар ўзларига кўпроқ ёққан нарсани яхшироқ эслаб қоладилар ва бундай тушуниш узок муддатли таъсирга эга бўлади(Пирсон ва Филдинг, 1991). Бу фазанинг энг муҳим мақсади-ўқувчилар ўртасидаги диалог ва полилогни ташкил этиш бўлиб ҳисобланади. Мулоҳаза ва рефлексия фазасида мунозаранинг бир неча вариантларини қўллаб-қўриб чиқишга имкон берилади. Бу фазада ўзлаштирилган янги билимлар ўқув мақсадлари билан таққосланади, уларга эришилганлик даражаси таҳлил қилинади. Ўқувчиларнинг микрогуруҳлар таркибидаги ҳатти-ҳаракатлари ҳамда етакчи ўқувчиларнинг фаолиятлари

рағбатлантирилади. Демак, мулоҳаза фазаси дарс самарадорлиги ва натижасини белгилайди. *Уйга вазифа* бериш билан дарс якунланади.

Менинг назаримда, замонавий дарснинг ҳар бир босқичида талабаларнинг мустақил фикр юритишлари, микрогуруҳлар таркибида фаол ишларининг таъминланиши, ўқитувчи эса, уларга маслаҳат берувчи, йўлловчи, уларнинг билиш фаолиятларини бошқарувчи вазифаларини бажариши ва ҳатто, талабалар (микрогуруҳлар) фаолиятини баҳолашни ҳам эксперт гуруҳи ихтиёрига ўтказишга эришиши даркор. Умуман олганда, замонавий дарсда ўқитувчи ҳукмрон, ахборот берувчи ягона манбаа эмас, балки К.Рожерс айтганидек, фасилитатор, яъни талабаларнинг мустақил ўқиш-ўрганишларини осонлаштирувчи, уларнинг билиш фаолиятлари учун қулай шароит яратувчи шахс бўлиши лозим. Юқоридагиларга асосланган ҳолда замонавий дарс (амалий, семинар машғулоти)нинг умумлашган моделини тавсия сифатида келтириш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Замонавий дарс(амалий, семинар машғулоти)нинг умумлашаган модели

№	Дарс босқич (фаза)лари	Мазмуни
1.	Ташкилий.	<i>Бу босқичда</i> одатдаги амал(давомат, дарсга тайёргарликни аниқлаш)лардан ташқари, микрогуруҳларни шакллантириш, дарснинг аниқлаштирилган ўқув мақсадларини муҳокама қилиш, лозим топилса, уларни ўқувчилар таклифини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш ҳамда яқдиллик билан қабул қилинишига эришиш, янги мавзу материални ўрганишга оид ўқув мотивларини шакллантириш тавсия этилади
2.	Чақирув (даъват).	<i>Чақирув босқичида</i> ўқитувчининг қисқача ахборотидан сўнг, микрогуруҳларда иш ташкил қилиб янги ўтиладиган мавзу бўйича талабалардаги

		мавжуд ахборот фаоллаштирилади. Бунда ақлий ҳужум, кластер, “Биламан-Билишни ҳохлайман- Билиб олдим”(Б-Б-Б) жадвалининг “Биламан” ва “Билишни ҳохлайман” қисмларини тўлдириш каби ўқитишнинг интерфаол стратегияларидан фойдаланиш яхши самара беради.
3.	Англаш.	<i>Англаш босқичида</i> ўқитувчининг қисқача ахборотидан сўнг, ўқувчилар микрогуруҳлар таркибида ўқув материални мустақил ўзлаштирадилар. Бу босқичда Бунда (Б-Б-Б) жадвалининг “Билиб олдим ” қисмини тўлдиришда зигзаг-1 ва зигзаг-2 матнни инсерт усулида ўқиш, икки қисмли кундалик каби интерфаол стратегиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.
4.	Мулоҳаза.	<i>Мулоҳаза (фикрлаш) босқичида</i> эса, янги билимлар умумлаштирилади ва мустаҳкамланади, ўзлаштирилган янги билимлар дарснинг ўқув мақсадлари билан таққосланади, уларга эришилганлик даражаси таҳлил қилинади. Ўқувчиларнинг микрогуруҳлар таркибидаги фаолияти ҳамда етакчи ўқувчиларнинг фаолиятлари рағбатлантирилади.
5.	Уйга вазифа.	<i>Бу босқичда</i> уйга вазифа бериш билан дарс якунланади. Уйга бериладиган вазифа-нинг мазмуни фақат ёдлаб сўзлаб (кўрсатиб) беришигина эмас, балки ўқувчиларни умумлаштириш, таққослаш фарқлаш, туркумлаш, гуруҳларга ажратиш, мавзуга оид таянч сўзларни аниқлаш, матннинг бирор парчасига сарлавҳа қўйиш каби фикрлашга ундовчи савол ва топшириқлардан ҳам иборат бўлишини назарда тутиш лозим.

Замонавий дарснинг ҳар бир босқичи талабаларнинг фаол фикрлашга ундаши зарур. Бунда ўқитувчининг талабаларга ва уларнинг ўзаро бир-бирларига берадиган саволлари, ҳал этишга тавсия этиладиган топшириқлар ҳам юқорида қайд қилинган ва жаҳондаги 30 га яқин ривожланган (АҚШ, Англия, Германия, Япония, Жанубий Корея ва ҳоказо) мамлакатлар таълим тизимида самарали қўлланаётган ўқитиш - ўзлаштиришнинг олти даражаси – Блум таксономияси тоифаларига мувофиқ бўлиши даркор.

Блум таксономиясининг билиш, тушуниш ва қисман қўллаш даражаларидаги савол ва топшириқларнинг жавоблари фақат хотира кучини талаб қилади; таҳлил, синтез, баҳолаш даражаларига оид бўлган муаммоли савол, вазият, масала ва топшириқлар эса, талабаларни юқори интеллектуаллик даражаларида фикрлашга ундайди ва уларнинг критик фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради. Чунки, бундай савол ва топшириқларнинг тайёр шаклдаги жавоблари ўқув адабиётларида айнан кўрсатилмаган ёки ўқитувчи томонидан баён этилмаган бўлади. Лекин, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, талабаларни фикрлашга ундовчи саволларнинг жавоблари ёки топшириқларнинг ечимларини, уларда мавжуд бўлган ахборотларга ёки қисмларига таянган ҳолда топиш имконияти бўлиши лозим. Талабаларга бутунлай нотаниш бўлган савол ва топшириқлар, уларда ҳеч қандай ўқув-билиш иштиёқини вужудга келтирмайди. Блум саволларининг намуналари интерфаол стратегиялардан бири сифатида қуйида келтирилади.

1. Билиш (фактик - далилий билиш)га оид саволлар:

- а) Қаерда, қачон, нима содир бўлди....?
- б) Қаерда жойлашган....?
- в) Қачон....?
- г) Аниқланг....?
- д) Белгиланг....?
- е) Сананг....?
- ё) Неча қисмдан иборат ?

2. Тушуниш (маъносини англаш) ни кўрсатувчи саволлар:

- а) Ўз сўзингиз билан баён қилинг.
- б) Тафсилотини ёзинг?
- в) Булардан қайси бири намуна?
- г) Бу ахборот қайси тушунчаларни тасдиқлайди?
- д) Графикни тушунтиринг.
- е) Математик формулаларни оғзаки тушунтиринг.
- ё) Қонун ёки қоида ни оғзаки айтиб, унинг формуласини ёзинг.

3. Қўллаш (амалий аҳамият) га оид саволлар:

- а) қаёқда, қандай қўлланилади?
- б) Бу нима учун содир бўлди?
- в) Бу қонун (қоидалар) қандай қўлланиши мумкин?
- г) Қонунга доир масала (мисол) ни ечинг.

4. Таҳлил қилиш (яхлитликни таркибий қисмларга ажратиш ва улар орасидаги боғланишларни ўрнатиш) га оид саволлар:

- а) Таққосланг?
- б) Энг муҳим хусусиятлари нима?
- в) _____ ва _____ орасидаги фарқни аниқланг?
- г) Туркумланг?
- д) Хатоларингизни аниқланг, уларни қандай қилиб бартараф қилиш мумкин?
- е) _____ таркибий қисмлари орасидаги боғланиш, мувофиқлик ёки номувофиқликни аниқланг?

5. Синтез (алоҳида қисмлардан мантиқий янги яхлитликни вужудга келтириш) га оид саволлар:

- а) _____ режасини тузинг?
- б) Ҳоҳ, тушунча ёки тахминни қандай текшириш мумкин?
- в) Буни сиз қандай яратган бўлар эдингиз?
- г) Берилганларга асосланиб яхлит қиёфа, техник система, технологик жараёни яратинг.

д) Мавзунинг энг муҳим жиҳатларини белгиланг.

е) _____ ни яратиш учун нималар (қандай қисмлар) керак бўлади?

6. Баҳолаш (қарор қабул қилиш, хулоса ясашни уддалаш) га оид саволлар:

а) _____ га муносабат билдиринг.

б) Ички ёки ташқи мезонларга мос келадими? Нима учун шундай ёки ундай эмас?

в) Намуна талабга жавоб берадими? Нима учун?

г) Қайси мезонларга асосланиб баҳолаш мумкин?

д) Мезонларни қандай қилиб шакллантириш мумкин?

Сўнги йилларда фаол ўқитиш усулларида бири бўлган педагогик ўйинлар кенг тарғибот қилиниб қўлланилмоқда. Педагогик ўйинлар ҳам бошқа фаол усуллар каби, талабаларни ўз касбига қизиқтирувчи, билим доираларини кенгайтирувчи, уларда ҳозиржавоблик хусусиятларини тарбияловчи, фаоллаштирувчи ва уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи каби дидактик функцияларни бажаради. Тажрибаларда таъкидланганидек, агар машғулот одатдаги - фақат тинглаб ўтиришга асосланган усулда ўтказилганда, талабалар ахборотнинг кўпи билан 20 фоизгачасини ўзлаштирган бўлса, педагогик-дидактик ўйинлардан фойдаланилганда эса, бу кўрсаткич 80-90 фоизгача ошганлиги тасдиқланган.

Ўқитувчи ва талаба шахси фаолиятини уйғунлаштириш технологияларининг (педагогик-дидактик ўйинлар) самарадорлиги яна шундан иборатки, унинг қатнашчилари яхлит тизимли билимга эга бўлади ва мустақил - ижодий фикрлаш қобилиятлари ривожланиши негизида бўлажак касбий фаолиятга оид бошланғич кўникмалар шакллантирилиб, ўқув-тарбиявий жараёни амалиёт билан бевосита боғлаб олиб боришни таъминлайди. Шунинг учун ҳам у, ривожлантирувчи ўқитишнинг юқори самарали усулларида бири бўлиб ҳисобланади.

Таълим тизимидаги педагогик ўйинлардан ташқари - ишлаб чиқаришдаги техник масалаларни ҳал қилишга оид техник ўйинлар, қарор қабул қилишга

оид бўлган ишбилармонлик (деловые игры) ўйинлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Педагогик ўйинлар олий ўқув юрти ёки касб-хунар коллежи ўқув-тарбиявий жараёнида содир бўладиган у, ёки бу реал вазиятларнинг сунъий равишда яратилган кўриниши бўлиб, унинг иштирокчилари бу вазиятдаги ўқитувчи ва ўқувчининг ўхшатма ҳаракатларини ифодалайди. Бу усул талабаларни бўлажак иқтисодчи-педагогик фаолиятига психологик жиҳатдан тайёрлайди, уларни ўқишга бўлган қизиқишини, ҳамда гуруҳ аъзолари жипслигини оширади. Педагогик ўйинлар аниқ мақсадни кўзлаб ўтказилади. Уни ўтказиш учун қуйидаги шароитлар мавжуд бўлиши зарур:

- ўйин қатнашчиларининг маълум даражада тажриба (ахборот) га эга бўлиши;
- ўйин раҳбари, иштирокчилари ва эксперт ҳайъати тайёргарлик кўрган бўлиши;
- педагогик ўйиннинг, уни ўтказиш вақтига мос бўлиши.⁴

Педагогик ўйинлар ўзида ўқув-билиш ва ўйин элементларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши зарур. Педагогик ўйинни ўтказишга тайёргарлик кўришда қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур: **биринчидан**, ўқув - педагогик муаммо (масала, вазият, топшириқ, савол) танлаш ва уни ривожланиш динамикасини таҳлил қилиб, сценарийсини ёзиш; **иккинчидан**, ўйин иштирокчиларини танлаш. Уларнинг мақоми тенг (бир курсдан) бўлишлари керак; **учинчидан**, ўйин давом этадиган вақтни белгилаш ва **тўртинчидан**, малакали эксперт ҳайъатини танлаш.

Педагогик ўйинларни ўтказиш тўрт босқичга бўлинади:

I-босқич: ўйин раҳбари ташкилий масалаларни ҳал қилади (ўйин мазмунидан келиб чиқиб, уни ўтказиш қоидасини тушунтириш, маслаҳат бериш, ўйин иштирокчиларини гуруҳларга тақсимлаш);

⁴ Б.Зиёмухаммедов. Б. "Педагогик технология" Тошкент : "Турон-Иқбол" 2006 йил 88 бет.


II-босқич: ўйин белгилари (атрибутикаси)ни тайёрлаш (матн, чизма, хона танлаш). Ўйин раҳбарини, унинг иштирокчиларига ўйин мазмуни тўғрисидаги ахборотни тарқатиши;

III- босқич: педагогик ўйинларни ўтказиш;

IV- босқич: ўтказилган педагогик ўйинларни таҳлил қилиб, хулоса ясаш ва ўйин иштирокчилари фаолиятини баҳолаш. Бунда қуйидаги мезон (баҳолаш шкаласи)дан фойдаланиш тавсия этилади (2-жадвал)

Педагогик ўйинлар туркумларини схематик тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин:⁵

(2-жадвал)



⁵ Сайидаҳмедов Н. С. “Янги педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” Т.: “Молия”, 2010. 636.

Ўқитувчи ва талаба шахси фаолиятини уйғунлаштириш технологиялари янги тушунча, қонун-қоидаларни ўзлаштириш ҳамда ўқувчиларни касб-хунарга ўргатиш жараёнида қўлланилиб, у бирор усул ёки амални ўйин элементлари билан уйғунлашган ҳолда, бир неча марта такрорланиши ва пухта ўзлаштирилишини назарда тутди.

Муайян фандан янги билимлар беришга йўналтирилган дидактик ўйинлар бевосита дарс жараёнида ёки дарсдан ташқари тадбирларда қўлланилади. Дидактик ўйинларда янги тушунча, қонун-қоидаларни содда ва тушунарли шаклда баён этилиши, уларни осон, пухта ва фаол ўзлаштирилишини таъминлайди.

Мажмуа педагогик ўйинларни яратиш, ўйин фаолияти ва моделлашни уйғунлаштиришни назарда тутди. Бу ўйинда иштирокчилар учун ўзаро боғлиқ бўлган шундай педагогик вазиятлар яратиладики, уларни ҳал қилиш жараёнида бўлажак касбий фаолиятга оид асосий принциплар ва фаолият усуллари ўзлаштирилади. Бу турдаги ўйиннинг ўзига хос хусусияти шундаки, ўйин фаолияти (ролларнинг ижро этилиши) мўйяан қонуниятлар бўйича амал қилувчи ва педагогик фаолиятда содир бўладиган вазиятнинг бир неча қисмлардан иборат сунъий тизимини яратишдан иборат бўлади.

Таълим-тарбия жараёнининг мавзуси бутун дарс давомида ўқувчининг фаоллигини, мунтазам тарзда қизиқувчанлигини уйғотишга ундаш мақсадини кўзда тутди. Ўқув омилларини яратишга асосланган таълим технология ўқувчиларни тезкорлик билан ўқув ёки ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилишга имкон беради. Акс ҳолда, заиф, етарли даражада тушунарли бўлмаган ва натижани кўзламаган топшириқлар мавзунинг беқарор бўлишига олиб келади.

Ўқув омилларини яратишга асосланган таълим технологияни татбиқ этиш ва унинг мақсадига эришиш ўқитувчининг педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, нутқининг тўғрилиги коммуникатив маҳоратининг ўқувчиларга таъсири, педагогик техниканинг эгалланганлик даражаси ва бу техникани бевосита дарсда қўллашга улгура олишига боғлиқдир.

Бу фаолият ўз навбатида янги коммуникатив технологияга асосланган ҳолда амалга оширилиши керак. Бу жараёнда ўқитувчи турли кўринишдаги фаолиятларда иштирок этади. Худди шундай педагогик фаолият шаклларида бири ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотига асосланган биргаликдаги фаолиятидир. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти (лекция, ҳикоя, суҳбат, маъруза) ижтимоий нуқтаи назардан ўқувчи шахсига йўналтирилган бўлади. Бу ўринда ўқитувчи ўқувчида мустаҳкам ўрнашган ишончни шакллантириши лозим. Бу ишонч бевосита ижтимоий муносабатларга татбиқ этилади. Бундай мулоқот ўқувчилар гуруҳига мўлжалланган бўлиб, бевосита жамоа меҳнати сифатида намоён бўлади. Мулоқот яқка шахсга ҳам йўналтирилган бўлиши мумкин, яъни ўқитувчининг ўқувчи билан ҳамда бир ўқувчининг иккинчи бир ўқувчи билан мулоқоти сифатида. Мулоқот йўли билан ўқувчилар мавжуд нарсга ва ходисани билиб оладилар, янгидан-янги ахборотларни қабул қиладилар. Бошқа бир томондан эса, ўқитувчи ўқув дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўқувчи шахсини ўрганади.

Педагог ўқувчилар орасидаги ноҳуш таъсирларни, улардаги ҳиссий зўриқишларни бартараф эта олиши керак. Агар ўқитувчи юқорида кўрсатилган таъсирларни бартараф эта олмаса, бу тарздаги ҳиссий зўриқиш илгариги муваффақиятсизликлар билан қўшилган ҳолда ўқувчиларда ўқитувчи ва ўқув предметига нисбатан негатив муносабатни вужудга келтиради ҳамда қўрқув ҳолатига, ишончсизлик, диққат сусайиши, эсга сақлаш қобилияти, ишчанлик, нутқ динамикаси бузилишининг ҳосил бўлишига олиб келади.

Бундай ҳолатлар аудиторияда, кўп ҳолларда эса, ўқитувчининг ўқувчига нисбатан салбий муносабатда бўлишига олиб келади. Бу ҳол ўқувчининг ортиқча ҳиссиётларга берилишига, ўқув фаолияти мотивациясининг пасайишига, ўқишдан беишга, ўқув предмети ва ўқитувчига нисбатан салбий муносабатда бўлишига сабаб бўлади. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабат инсонпарварлик мезонлари асосида ташкил этилиб, ноҳуш

хиссиётларни бартараф этишга йўналтирилмоғи лозим. Ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги мулоқот эришилган ютуқлардан завқланишга, ўқув фаолиятига нисбатан чанқоқлик билан интилишга ҳамда биргаликдаги мулоқотга чорлаши керак. Бу эса ўзаро педагогик таъсирни ташкил этиш учун алоқа воситаси, “кўприк”ни вужудга келтиради. Таълим жараёнида, ўқувчига нисбатан ҳурматсизлик билан ёндошилган тақдирда, кўзда тутилган талабчанликка, айниқса, онгли тарздаги интизом ўрнатишга эришиш мумкин эмас.

Бошқа бир томондан олиб қараганда, педагогик ва талаба ўртасидаги фаолликнинг таркибий қисми бўлган коммуникатив фаолиятни қуйидаги схема асосида татбиқ этиш мумкин: педагогик жараёни моделлаштириш, аудитория билан мулоқотга киришиш, бевосита мулоқотни (коммуникатив хужумкорликни) ташкил этиш, ривожлантирувчи педагогик жараёнда мулоқотни бошқаришни ташкил этиш, кўзда тутилган фаолиятни амалга ошириш давомида мулоқот тизимини моделлаштириш.

Таълим-тарбия ишини ташкил этишда ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ўзаро муносабат ва мулоқотнинг турли йўллари (стиллари) мавжуд. Уларни қуйидагиларга - ўқитувчининг ўқувчилар жамоасига нисбатан барқарор-ижобий, суст-ижобий ҳамда беқарор муносабатларига ажратиш мумкин.

Таълим технологиянинг фаолият кўрсатиши ҳисобига таълим жараёнининг мотивацияси кучайтирилиши мумкин. Маълумки, тайёр ҳолда олинган билимлар, одатда, уларни амалиётда қўллашни қийинлаштиради, бу айниқса, аниқ масалаларни ечишда намоён бўлади. Шунинг учун билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда бевосита ўқувчиларнинг ўзлари фаолият кўрсатишлари талаб этилади. Бу муаммоларнинг ечими бевосита бошқарувга асосланган таълим технологиянинг қўлланилиши билан боғлиқдир.⁶

⁶ С.Йўлдошев Ж. “Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш”-Т., 2008, 130б.

Таълим технология турларини танлаш шаклланаётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган дарслар шакли ва қўлланилаётган методлар ҳамда методик усулларнинг характериға боғлиқ. Масалан, ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий қараш кўникмасини шакллантириш ҳамда маҳсулдор фаолият турларини ташкил этиш билан бир қаторда уларни ривожлантириш учун дарснинг ноанъанавий шакллари, жумладан, уйғунлаштирилган дарслар билан баробар дарс-конференция, ишчан ўйин дарслари, интеграллаштирилган (икки компонентли) дарслардан фойдаланиш лозим. Бунинг учун таълим методлари таълим мақсади билан мутаносиб (адекват) бўлиши керак. Юқорида таъкидланганидек, ўқитувчи ва талаба шахси фаолиятини уйғунлаштириш технологиялари шахсни ривожлантиришга имкон беради.

Касбий таълимда ноанъанавий таълим усулларидан фойдаланишни етакчи принциплари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

инкорпорация - системали ёндашув асосида турли фанларга оид билимларни бирлаштириш;

мослашганлик - турли таълим муассасаларида таълим шакли, методи ва усулларининг қўлланилувчанлиги;

уйғунлилик-муайян ўқув предметига оид ўқув материали мазмунининг шахсни ривожлантириш шакли, методи ва усуллари билан уйғун тарзда боғланиши;

яратувчанлик - турли ўқув муассасалари педагогларининг педагогик технологияларни яратиш имкониятлари;

табиийликни ҳис қила олишлик - шахснинг генетик ва ижтимоий жиҳатларига асосланган ҳолда ўқувчиларнинг ўзига хослигини индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.

Менинг назаримда, ноанъанавий таълим усулларидан фойдаланиш натижасида ўқитувчи ва талаба шахси фаолиятини уйғунлаштириш технологиялари учта ўзаро алоқадор бирлик - таълим, тарбия ва ривожланиш сифатида кўриб чиқилади. Бу уч бирликни баробар татбиқ қилиш жараёни

модуллашган технологияни қўллашни осонлаштиради. Ноаъанавий таълим усулларида фойдаланиш модуллашган технологиянинг характерли қирраларидан бири таълим мазмунини тартибга солишдан иборат бўлиб, бунда барча ахборотлардан фақатгина шундайларини қатъийлик ва қунт билан танлаб олиш керакки, улар давлат таълим стандарлари доирасида ўқувчилар фаолиятини зарурий етарли даражада муваффақиятли амалга оширишни таъминлаши лозим.

Шундай қилиб, ноаъанавий таълим усулларида фойдаланиш илгаридан лойиҳалаштирилган таълим-тарбия жараёнининг педагогик технологияси ўзида методлар тизимини, таълимнинг методик усуллари, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш имкониятлари ва воситаларини, ўқувчиларнинг ижобий шахсий сифатларини ривожлантириш мақсадини, яқиний натижаларга эришиш инструментарийсини мужассамлаштиради.

1.2. Касбий таълимда ноъбанавий таълим усулларида фойдаланиш йўналишлари.

Ноъбанавий таълим усулларида фойдаланишда таълим технология элементларини танлаш ва амалга оширишда талабаларнинг ўқув билиш фаолиятларини эътиборга олиш лозим.

Ўқув жараёнида ноъбанавий таълим усулларида фойдаланишни йўналишлари – билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб (1-жадвал), унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинади, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўлиши зарур.

Таълимга фаолиятли ёндашув ва уни амалга ошириш шартлари

(1-жадвал)

Асосий назарий мазмун	Амалга ошириш шарти
Фаолият-шахсининг ривожланишида асос, восита ва ҳал қилувчи шарт. Бу таълим олувчи шахсининг жараёни сифатларини шаклланти- риш, унинг ҳаракатларини фаол-лаштириш ва жадаллаштиришни, ўқув жараёнида унинг барча имконияти, тиришқоқлиги ва ғайратини кенгайтиришни юзага келтиради	Таълим берувчи вазифасининг ўзгариши: нафақат билим бериш, балки таълим олувчиларни уларни мустақил излаш, таҳлил қилиш, таққослаш, ўзгартиришга, ҳаётий муҳим вазифаларини ҳал этишда қўллаш, барча ҳаётий йўли давомида билимларини тезкор янгилаш ва тўлдиришни ўргатиш. Бунинг учун ўқитувчи барча тўғри ечимларнинг биринчи тоифадаги намоёничилиги бўлмасдан, балки ўқув жараёнининг ташкилотчиси, маслаҳатчиси ва назоратчиси бўлиши керак; билимларни етказишнинг кам самарали оғзаки йўллари камайтиришга келтириш. Таълимнинг жуфтлик ва гуруҳли ташкил

Фаолият – ўзлаштириш объекти Таълимга шахсий ва ривожлантирувчи ёндашув билан ўзаро алоқада бўлганда амалга ошади	қилиш шакллари амалга ошириш орқали жараёнда диалог ва полилогда ўзгарувчан томонларда таълим олувчининг юқори фаоллигини таъминлаш; башоратлаш, режалаштириш ва ўқув-билиш фаолиятини ташкиллашатириш бўйича таълим олувчилар мустақил фаолиятини қўллаб-қувватлаш
---	--

Интерфаол дарсларда ўқитувчининг асосий диққати талабаларнинг фаолиятини оширишга қаратилган бўлиши керак. Бу услубларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга:

- талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этилиши;
- талабаларнинг ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишларини доимийлигини таъминланиши;
- талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтирилиши;
- педагог ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равишда ташкил этилишлари киради.

Ўқитувчининг таълим олувчилар билан ҳамкорликдаги фаолияти, синф-дарс тизими доирасида, таълимни ташкиллаштириш шаклларининг қуйидагиларида ўз ифодасини топади:

1. фронтал иш барча таълим олувчилар билан бир вақтда ишлаш;
2. гуруҳларда ишлаш:
 - статик жуфтликларда ишлаш;
 - гуруҳларда ишлаш;

- гуруҳлараро иш;
- индивидуал ишлаш.

Ушбу ташкилий шаклларнинг ҳар бири жамоавий ва индивидуал таълимни биргаликдаги олиб боришни турлилиги, таълим олувчиларнинг мустақиллик даражасини турлилиги, ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини бошқаришни турлилиги ва бошқалар билан тавсифланади.

Амалиётдаги оддий қоида шу ҳақда гувоҳлик берадики, назарий дарснинг дастлабки 20 дақиқасида талабаларга янги билимларни бериш амалга оширилади, кейин эса баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа шу каби ноанъанавий методларни амалга ошириш орқали берилган билим мустаҳкамланиши лозим.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам назарий дарс жараёнида, масалан фақат маъруза ўқиладиган вақт 20 дақиқадан ошмаслиги керак.

Чунки ўрганишнинг дастлабки 20 дақиқаси энг самарали, 30 дақиқадан кейин эса ўрганишни давом эттириш мотивацияси тезда пасая бошлайди.

Бу ҳамма таклифлар талабанинг диққатини узоқроқ вақтгача сақлаб туришга хизмат қилади.⁷

Идрок қилиш пайтида қанча кўп сенсорик (сезги) каналлардан фойдаланилса, эсда олиб қолинган билимларнинг миқдори ва сифати шунчалик юқори бўлади. Агар билимлар фақат «маъруза»лар орқали (пассив тинглаш йўлида) берилган бўлса, унда 3 кундан сўнг уларнинг фақат 25% ни эслаш мумкин ҳолос. Агар у маърузалар ўқиш (тинглаш), намоёйиш ва кўргазмали қилиш (кўриш, ушлаб кўриш ва шу кабилар) орқали берилса ва шу тўғрисида баҳслашилса, унда 3 кундан сўнг 75% ини эсга тушириш мумкин.

Агар билимларни идрок қилишда бир неча сенсорик каналлар биргаликда ишга солинган бўлса, маълумотларнинг қисқа хотирадан узоқ хотирага ўтиш жараёни тезлашади, бу эса билишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

⁷ Толипов Ў.Қ. Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Т.:”Фан” 2006 йил 76 бет.

Талабаларнинг ўзлаштириш даражасига ўқитиш методларининг таъсир даражаси:

1. Маъруза - эшитганимизнинг 5%.
2. Ўқиш - ўқиганимизнинг 10%.
3. Видеоусул, намойиш - кўрганимизнинг 20%.
4. Тажрибани намойиш қилиш-кўрган ва эшитганимизнинг 30%.
5. Баҳс-мунозара - муҳокама қилганимизнинг 40%.
6. Машқлар - ўқиган, ёзган, гапирганимизнинг 50%.
7. Ишбоп ўйин, кичик гуруҳларда ишлаш, лойиҳалаш - мустақил ўқиганимизнинг, таҳлил ва муҳокама қилганимизнинг, ҳимоя ва намойиш қилганимизнинг 75%.
8. Йўналтирувчи матн, муаммоли вазият, бошқаларни ўқитиш - мустақил ўрганганимизнинг, таҳлил ва муҳокама қилганимизнинг, бошқаларни ўқитган нарсаларимизнинг 90%.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, дарс жараёнида ноанъанавий методлар қўлланилганда, талабаларнинг ахборотни эслаб қолиш кўрсаткичининг энг юқори даражаси 30% ни ташкил этар экан. Ноанъанавий методлар қўлланилганда эса, талабаларнинг ахборотларни ўзлаштириш даражаси янада ортиб боради ва ўқув жараёнида талабалар фаоллигини ошади.

Қуйида таълим жараёнида фойдаланмоқчи бўлган методларни танлаш вақтида ҳисобга олиш лозим бўлган айрим жиҳатларни кўриб чиқамиз.

Ҳар қандай таълимнинг мақсади - билимни ҳамда уни амалда қўллай билиш кўникмалари ва малакаларини шакллантириш, шунга зарур шахс сифатлари ва кўрсатмаларни ишлаб чиқишдир.

Ўқув жараёнида талабалар фаоллигини ошириш йўналишларини ўтказишда талабалар фаоллигини ошириш йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Қизиқтириш (мотивация)
2. Маълумот бериш

3. Билим бериш
4. Ўрганилган билимларни қайта ишлаш бўйича топшириқлар бериш
5. Анализ ва синтезлар
6. Баҳолаш ⁸

Ушбу кетма-кетлик учун вақт одатда касб-хунар коллеж ва академик лицейларда 80 дақиқани ташкил этади. Бунда назарий дарс ўтказишнинг юқорида келтирилган олти босқичини босиб ўтиш шарт. Дарс бошланишидан аввал режалаштириш фазасининг натижаларини қисқача текшириб кўриш лозимдир:

Мавжуд вазият ва шарт- шароитларни баҳолаш:	Таҳлиллар натижалари ҳали ҳам янгиими?
Белгиланган вақт:	Мазмунларни ўқувчиларга етказиш учун вақт етарлими?
Хоналарга тааллуқли шароитлар:	Аудитория бўшми? Стол ва стуллар етарлими ва U-шаклида қўйилганми?
Воситалар:	Доска, флипчарт ва кодоскоплар (проектор) ишлайдими? Бўр ва губка мавжудми?
Ҳужжатлар:	Дарс режаси борми? Етарли тарқатма материаллар ва топшириқ варақалари мавжудми?

Қизиқтириш (мотивация). Авваламбор «қизитиш фазасини» ўтказиш керак. Бу фаза ўқувчиларни қутлаш ва ҳар қандай қизиқарли, хаттоки, дарсга тааллуқли бўлмаган мавзулар тўғрисидаги суҳбат билан бошланади.

⁸ Хасанбоев.Ж. “Педагогика” ўқув қўлланма.Тошкент “Фан” 2006йил 96бет

Иложи бўлса дарсга яширин боғлиқ бўлган мавзулар юзасидан гаплашиш мумкин. қизиқарли цитата ёки қисқа, долзарб мавзудаги ҳикоя танланиши мумкин. Буларнинг барчаси ўз навбатида биринчи дарс мобайнида ўқувчиларнинг кескин ҳолатини юмшатишга ёки кейинги дарсларда ўқувчилар эътиборини ўрганиш предметига қаратишга ёрдам беради.

Қизитиш фазаси-ғоялари юзасидан папка тутиш ҳам тавсия этилади. Дарс биринчи бор янги ўқувчилар гуруҳида ўтаётган бўлса, ўқитувчи қисқача ўзини таништириб ўтиб, ўқувчиларга ҳам ўзларини таништириш икониятини бериши керак. Бу ўқувчиларда ишонч туғдиради, ўқувчилар ўзларига билдирилаётган ҳурматни ҳис қиладилар. Бу флипчарт ёки пинванд ёрдамида визуаллаштирилиши ҳам мумкин. Таърифланган ва танланган ўқитиш предметлари ва модуллари асосида назарий фан мақсадини баён этиш орқали мотивация ва муайян мавзуга кириш амалга оширилади. Интринзли (ички) ва экстринзли (ташқи) мотивация учун сабаб ва аргументлар топишга ҳаракат қилиш лозим. Нима бўлганда ҳам мотивация қилишнинг қандайдир бир тадбирини ўтказилиши шарт. Чунки бу эътибор қаратиш, ўқиш ва ўрганишга бўлган тайёрлик учун шарт-шароит ҳисобланади.

Маълумот ва билим бериш. Сўнгра ўқитувчи ўқувчиларни махсус соҳага олиб киради. Янги материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозаралар уюштиради, ўқув суҳбатлари, ўйин-машғулотлари ва муаммоларни ҳал қилиш ҳақида суҳбатлар ўтказади. Уларнинг ўқитиш усуллари муайян ҳолатдаги муайян мазмунга мос бўлади. Кейинги дарсларда янги мавзунини бошлашдан аввал ўтилган мавзулар қисқача, умумлаштирилган ҳолда қайтарилиши керак.

Мавзуларга мос тарқатма материаллар ўқувчиларга тарқатилиши лозим. Бу ўқув жараёни ва дарс олиб боришни енгиллаштиради. Мавзуга кирилмай туриб, тарқатма материаллар тарқатилмайди. Уларни мавзуга монанд равишда бирин-кетин тарқатиш, уларни ўқиб чиқиш учун етарли дақиқалар бериш ва ўқувчилар эътиборини ахборотга қаратиш учун кимгадир овоз

чиқариб ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундан сўнг мавзу муҳокамасини бошлаш мумкин бўлади.

Ўзлаштирилган билимларни қайта ишлаш учун топшириқлар бериш. Ўқувчиларга тафаккур қилиш ва қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар ўзлаштирилган билимларни фаол равишда қайта ишлаб бориш учун зарурдир. Улар билимларни қабул қилишнинг нисбий пассив фазасидан сўнг актив фаза келиши учун имконият яратиб беради. Гуруҳларда ишлаш ёки индивидуал равишда топшириқларни ечиш ва натижаларни тақдим этиш самарали ўқитиш усуллари ҳисобланади. Худди шу ерга уй вазифаларини ҳам киритиш мумкин.

Анализ ва синтезлар. Мавзу таҳлили орқали мавжуд вазият элементлари алоҳида кўриб чиқилиши мумкин. Ушбу ўринда алоҳида хусусиятлар ёки деталлар муҳокама этилиши мумкин.

Мазкур методларни бир бутун қилиб синтезлаш тўғри тасаввур ҳосил қилиш ва алоқадорликни аниқлаш имконини беради. Бу ерда гап билимнинг алоқадорлик даражаларини аниқлаш тўғрисида бормоқда. Чунки амалиётга яқинлашиш ва ўзлаштирилган билимларни келажакда ишлатиш учун синтез орқали бошқа илм-фан соҳалари билан боғлаш амалга оширилади.

Баҳолаш. Ҳар бир топшириқдан кейин ўқувчилар ўзлари бажарган ишларини баҳолашлари лозим.

Бошқа бир имконият эса натижаларни гуруҳларда очик-ойдин ва самимий муҳокама қилишдан иборатдир. Курс охирида якуний суҳбат учун вақт ажратилиши керак. Бу эса ўз навбатида иштирокчиларнинг натижалари, уларнинг амалга ошган ва ошмаган умидлари, шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз натижалари юзасидан мулоҳаза юритишлари учун яхши имкониятдир.

Ўқитувчи ҳам ўз - ўзига «мен мақсадларга эришдимми, йўқми? Нима учун эришмадим?» каби саволларини бериши лозим.

Бунинг учун махсус баҳолаш варағи ишлаб чиқилиши мумкин.

Демак, таълим методлари педагогик технологиянинг асосий элементларидан бири ҳисобланиб, ўқувчиларни фаоллаштиришга, мустақил

фикрлашга имкон берадиган интерактив таълим методларини ўзлаштириш ва ўқув жараёнига жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Энг аввало, талабалар фаоллигини оширишда «таълим берувчи - таълим олувчи» диалогидан воз кечишини ва «таълим берувчи -гуруҳ - таълим олувчи» кўринишидаги уч томонлама ўзаро муносабатга ўтишни назарда тўтади. Ўқув гуруҳи, таркиби бўйича ҳаракатчан кичик гуруҳларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири ўзича ўқув материални ўзлаштиради. Тажриба шуни кўрсатадики, шу туфайли биз билан таълим олувчилар ўртасида анча мустаҳкам алоқа ўрнатилади, шахсий ва бир вақтнинг ўзида таълим жамоавий руҳий ҳолат кучаяди.

Таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати шаклланади, бу эса ўқув - билиш жараёнини фаоллаштиришга, уларда эмпатияни, коммуникативликни шакллантиришга кўмаклашади:

- вазифани ҳамкорликда бажариш жараёнида таълим олувчиларда, ўртоқлари томонидан билдирилган фикрларни муҳокама қилишга мотивация пайдо бўлади;

- таълим олувчилар бир-бирига саволлар берадилар, шунинг учун улар саволларни аниқ шакллантиришни билишлари зарур, жавобларни аргументлаштиришни, тушунишга эришиш учун эса, улар бир-бирларини диққат билан эшитишлари керак;

- гуруҳларда ишлаш пайтида, зарурати бўлганда таълим олувчилар ёрдам беришларини сўрайдилар ва бошқаларга ёрдам беришни ўрганадилар.

Ҳар бир таълим олувчининг потенциал имкониятларини ривожланиши ва амалга оширилиши таъминланади:

- қобилиятли ва иқтидорли талабалалар, уларни «мақтанганлик»ларида айблашларидан чўчимасдан ўз қобилиятларини кўрсатишлари мумкин, улар гуруҳда нафақат таълим берувчи ролида бўлишлари, балки таълим олувчи ролида ҳам бўлишлари мумкин ва таълим

берувчи ролидаги ўз ўртоқлари томонидан баҳоланиши, рақиб бўлмасдан улардан ўрганиши мумкин;

- ўртача қобилиятга эга ёки характери бўйича қўрқоқ болалар ўз билимлари ва маҳоратларини намоён қилиш имкониятини оладилар. Кичик гуруҳларда ишлаш, уларни стресс ҳолатлардан халос этади, яъни нотўғри жавоб берганда бутун жамоа олдида изза бўлишдан, қўрқишдан холи бўлади. Гуруҳ аъзолари, жавобни дўстона баҳолаб, уларда ўзига ишонч туйғусини уйғотиш имконини берадилар. 4-5 кишидан иборат гуруҳда, қўрқоқ киши, 25 кишилиқ гуруҳ олдида ўзини тутишга нисбатан, ўзини анча эркин ҳис этади.

Таълимнинг ушбу шакли, таълим олувчилар билимини ўзаро ҳамкорликда бойитишни таъминлайди: фақатгина кооперация ва ҳаракатлар (билиш) усуллари билан ўзаро алмашиш, умумий маҳсулот олиш - муаммони ечиш имконини беради.

1.3. Нон маҳсулотларининг асосий турлари , тайёрлаш технологияси ва тавсифлари

Новвойлик саноати маҳсулотлари ассортименти нон, нон-булка, ширмой, тешиккулча ва қоқнон маҳсулотлари, шулар билан бирга маҳаллий ва даволаш парҳезбоп нон турлари ҳамда навларидан ибo-ратдир. Маҳсулотларнинг товаршунослик таснифига кўра, улар тур-лар, хиллар ва навларга ажратилади.

Нон маҳсулотларининг **турлари** тайёрлашда ишлатиладиган ун тури билан боғлиқ. Ноннинг буғдой, жавдар, буғдой-жавдар ва жав-дар-буғдой каби турлари мавжуд.

Ноннинг **хили** нон пиширишда фойдаланилган нав орқали аниқ-ланади. Буғдой нони олий, I ва II навли, «Ўзбекистон» ва жайдари буғдой унларидан, жавдар нони эса эланма, сидирма ва жайдари унларидан тайёрланади. Рецептурасига кўра, ноннинг оддий ва ях-шиланган хиллари мавжуд.

Ноннинг **нави** бир қатор белгиларни бириктиради. Булар нон-нинг тури, хили, пишириш усули (қолипда ёки тагдонда), маҳсу-лотнинг шакли (булка, батон, ўрама), истеъмолчига етказиб бериш усули (тортиб ёки доналаб сотиладиган) ва бошқалар. Нон ва нон маҳсулотларининг «ассортименти» деганда, маҳсулотларнинг барча турлари, хиллари ва навлари йиғиндиси тушунилади.

Нон-булка маҳсулотларининг ассортименти бир неча юз навлар-дан иборатдир.

Жайдари ундан тайёрланган жавдар нони. Жайдари ундан тайёр-ланган жавдар нони қолипда ёки тагдонли, тортиб ёки доналаб со-тиладиган ҳодда ишлаб чиқарилади.

Бундай ундан оддий жавдар нонидан ташқари ферментлашти-рилган (қизил) жавдар солоди, зираворлар қўшиб яхшиланган қай-натма жавдар нони, «Москва» жавдар нони, 80 % жайдари жавдар унidan, 15 % Пнавли буғдой уни ва қизил жавдар солоди, шакар, патока ва зиравор қўшиб, «Бородино» нонлари ҳам тайёрланади.

Сидирма ва эланма ундан тайёрланган жавдар нони. Бу гуруҳга жав-дар уни навларидан тайёрланган, балки уларнинг бир қисмини буғдой унига алмаштириб

тайёрланган нон маҳсулотлари ҳам киради. Эланма ва сидирма жавдар унларнинг ўзидан жавдар нони қолипди ёки таг-донли, тортиб ёки доналаб сотиладиган ҳолда ишлаб чиқарилади.

Сидирма жавдар, «Ўзбекистон» буғдой унлари аралашмасидан тортиб ёки доналаб сотиладиган қолипди ва тагдонли «Дармон» нони, «Украина» нони (20—80 % сидирма жавдар ва 80—20 % жайдари буғдой унлари), «Украина» янги нони (20—80 % эланма жавдар уни ва 80—20 % иккинчи навли буғдой уни) ишлаб чиқарилади.

Шу гуруҳга яна сидирма жавдар ва биринчи навли буғдой уни, 5 % ферментлаштирилмаган солод, 7 % шакар, 3 % ўсимлик мойи, 1 % зирадан тайёрланадиган «Паҳлавон» нони; сидирма жавдар уни ва иккинчи навли буғдой уни, 5 % ферментлаштирилган солод, 10 % шакар ва 1,5 % зирадан тайёрланадиган «Президент» нони; 80 % сидирма жавдар уни ва 15 % «Ўзбекистон» навли буғдой уни, 5 % ферментлаштирилган солод, 9 % шакар ва 0,5 % зиравордан тайёрланадиган «Тансиқ» нони, 90 % эланма жавдар уни ва 10 % биринчи навли буғдой уни, 2 % патока қўшиб тайёрланадиган тагдонли, тортиб ёки доналаб сотиладиган «Минск» нони; 85 % эланма жавдар уни, 10 % биринчи навли буғдой уни, 5 % ферментлаштирилмаган жавдар солоди ва 0,4 % зиравор қўшиб тайёрланадиган «Рига» нони ва бошқалар киради.

Жайдари ундан тайёрланган жавдар-буғдой ва буғдой-жавдар нони. Жавдар-буғдой қолипди ёки тагдонли, тортиб ёки доналаб сотиладиган ҳолда 60 % жавдар ва 40 % буғдой жайдари унларидан, буғдой-жавдар нони эса 60 % буғдой ва 40 % жавдар жайдари унларидан тайёрланади. 5 % ферментлаштирилган жавдар солоди қўшиб жавдар-буғдой қайнатма нони ҳам тайёрланади.

Буғдой нони. Буғдой нонига қолипда ёки тагдонда пиширилган, тортиб ёки доналаб сотиладиган, жайдари, «Ўзбекистон», I, II ва олий навли буғдой унларидан тайёрланган нонлар тааллуқлидир. Буғдой нони турли навларда ишлаб чиқарилади. Масалан, жайдари буғдой унidan оддий қолипди ва тагдонли, тортиб ёки доналаб сотиладиган нонлар тайёрланади. «Забайкалск» нони бўлса, 50 % жайдари ва 50 % иккинчи навли буғдой унларидан пиширилади.

Иккинчи навли буғдой унидан оддий нон (қолипли ёки тагдон-ли), «Украина паляницаси» (тагдонли), «Киев арнаунати» (тагдон-ли), оқнон (қолипли ёки тагдонли) ва бошқалар ишлаб чиқарилади. «Ўзбекистон» буғдой унидан қолипли тортиб ёки доналаб сотилади-ган нон, тагдонли «Дехқон» доналик нонлар тайёрланади.

Биринчи навли буғдой унидан оддий нон (қолипли ёки тагдон-ли), уй нони (тагдонли), сутли нон, «Саратов калачи», «Украина-паляницаси», белорус нони, шаҳар нони, оқ нон ва бошқалар со-тувга юборилади. Олий навли буғдой унидан оддий қолипли ва таг-донли, майизли нон, сутли нон, «Саратов калачи», «Гулли» нон ва бошқалар тайёрланади.

Кейинги йилларда олий, биринчи ва иккинчи навли буғдой ун-ларидан оқ нон ишлаб чиқарилмоқда. Оддий буғдой нони билан солиштирганда бу ноннинг рецептураси прессланган ачитқилар мик-дорининг кўплиги (1,5 %) билан фарқилади. Шундан келиб чиқиб, бу ноннинг ғоваклиги оддий нонга қараганда 2—3 % кўп бўлиши керак.

Булка маҳсулотлари. Олий ва биринчи навли буғдой унларидан тайёрланган булка маҳсулотларига батонлар (34, 35-расмлар), булка-лар (36-расм), сайкалар (37-расм), ўрамалар, такдсимон, калач кўрини-шидаги массаси 500 г ва ундан кам бўлган рецептурасида 100 кг унга нисбатан 7 %дан кам ёғ ва шакар кирган маҳсулотлар киради. Булка маҳсулотларининг айрим навларида, масалан, оддий ва шаҳар батонларида, ёғ ва шакар бўлмайди.

Ширмой нон булка маҳсулотлари. Бу гуруҳга рецептурасида 100 кг унга нисбатан 7 %дан кўп ёғ ва шакар мавжуд бўлган нон-булка маҳсу-лотларининг барча турлари киради . Ширмой нон маҳсулотла-ри оддий ширмой, ҳавас-кор маҳсулотлари, оддий ва шаклдор «Виборг» шир-мойларига бўлинади. Оддий ширмой маҳсу-лотлари биринчи навли, ҳаваскор ва «Виборг» шир-мой маҳсулотлари эса, . олий навли буғдой унидан тайёрланади. Бу навлари-нинг ширмойлик даража-си шу билан фаркланади-ки, оддий ширмойга 100 кг унга нисбатан 10 кг шакар, 7 кг сигир ёғи ва 90 дона (3,5 кг) тухум солинса,

хаваскор ширмойга 17 кг шакар, 13 кг сигир ёғи, 220 дона тухум (8,8 кг) ва 4,2 г ванилин; оддий

«Виборг» ширмойга 20 кг шакар, 2 кг патока, 7 кг сигир ёғи, 12 кг повидло ёки мураббо, 5 г ванилин ва 1 кг шакар кукуни (юзасига сепиш учун); шаклдор «Виборг» ширмойга 25 кг шакар, 2 кг патока, 10 кг сигир ёғи, 100 дона тухум (4 кг), 5 г ванилин ва 1 кг шакар кукуни (юзасига сепиш учун) солинади.

Тешиккулча маҳсулотлари думалоқ ёки овалсимон шаклда бўлади. Тешиккулча маҳсулотлари гуруҳига бубликлар (40-расм), баранкалар (41-расм) ва сушкалар (42-расм) киради.

Сушкалар кичик ингичка (донаси 6,7 дан 11,8 г. гача), намлиги 9—13 % бўлган маҳсулотлардир. Баранкалар биров каттароқ (25 г. дан 40 г. гача), намлиги ҳам юқори (14—19 %) бўлади. Бубликлар улардан ҳам каттароқ (50 дан 100 г. гача), намлиги 22—27 %дан юқори бўлмаган.

Баранкалар ва айникса, сушкалар намлиги паст бўлгани учун узоқ вақт сақланиб, нон консерваларининг ўзига хос тури ҳисобланади. Намлиги юқори бўлган бубликлар эса бунинг тескараси, яъни тез истеъмол қилишга мўлжалланган. Тешиккулча маҳсулотлари намлиги паст қаттиқ хамирдан тайёрланади. Масалан, сушкалар хамирининг намлиги 33—36,5 %ни ташкил қилади.

Тешиккулча маҳсулотларининг хамири махсус янгилаб туриладиган хамиртурушда ёки прессланган ачитқилар қўшилган опарада тайёрланади. Сув миқдорининг камлигини ҳисобга олиб, хамир тайёрлаш жараёни икки қисмдан иборат: хамирнинг таркиби ва хоссаларининг бир жинслигини таъминлаш учун қориш ва уни эзиб текислаш.

Хамир эзиб текислангандан сўнг, у дам олиши—бижғиши (30—60 минут) керак. Кейин хамир бўлаклаш-тоблаш машинасига келиб, тушади ва у ердан шакл берилган кўринишда чиқади.

Тешиккулча маҳсулотларига шакл бериш учун махсус бўлаклаш-тоблаш машиналари ва ишчи органлари алмаштириладиган универсал бўлаклаш-тоблаш

маши-налари яратилган. Буб-ликларнинг хамирига шакл бериш учун БМ-2 русумли машина ҳам қўлланилади. Шакл берилган хамир зувалалари тиндирилади, кейин қайноқ сувда қайнатилади ёки 0,14—0,15 МПа босим остида буғланади. Қайнатиш 0,5—3 минут давом этади. Маҳсулот қанчалик ййрик бўлса, қайнатиш ҳам шунчалик узоқ давом этади. Қайнатиш (буғлатиш) вақтида тешик-

кулча зувалаларининг ҳажми кескин ортиб, массаси эса унчалик ўзгармайди. Шунинг учун буғлатилган тешиккулча хамир зувалалари юзага сузиб чиқади. Хамир зуваласи марказида ҳарорат 50—60 °C га, юзасида эса 60—70°C га етади. Бунинг натижасида, хамир зувалаларида крахмалнинг клейстерланиши ва оксилларнинг денатурацияланиши бошланиб, бу зуваланинг юзасида яққол сезилади, яъни пиширишдан сўнг тайёр маҳсулотнинг юзаси силлиқҳамда ялтироқ бўлиб қолади.

Қайнатишдан сўнг, хамир зувалаларининг юзаси қуритилади. Тешиккулчани пишириш махсус конвейерли БК русумли ёки бошқа конструкциядаги печларда амалга оширилиб, маҳсулотнинг нави, массаси ва туридан келиб чиқиб, 10 минутдан 20 минутгача давом этади. Пишириш механизми нон маҳсулотлариникидан фарқ қилади. Тешиккулча пиширишда намлик маҳсулотнинг марказидан юзасига ҳаракатланади.

Пиширишнинг охирида бубликларнинг марказида ҳарорат 104—106 °C га, баранкаларда 107—108°C га, сушкаларда эса 110—112°C га етади. Тешиккулчалар пишириш ва қуритиш жараёнлари бирлашади, деб қабул қилсак бўлади.

Махсус печларда маҳсулотнинг юзасига очиқ аланга билан иш-лов берилади. Конвейерли печларда бу жараён пиширишнинг биринчи босқичида 1—2 минут давомида камера муҳитини 300—350 °C ҳароратда қиздириш билан алмаштирилиши мумкин. Тешиккулча, пиширишда намлик бериш тезлиги катта аҳамиятга эга бўлиб, ми-нутига 1,6—1,8 %ни ташкил қилиши керак.

Тешиккулча маҳсулотларининг ассортименти. Иккинчи навли буғдой унидан қандли баранкалар ва оддий сушкалар тайёрланади. Биринчи навли буғдой унидан тортиб ёки доналаб сотиладиган укра-инча, кунжутли, зирали ва сутли бубликлар, оддий, қандли, сутли баранкалар, оддий ва тузланган сушкалар тайёрланади. Олий

навли бугдой унидан баранкалар (қандли, лимонли, ванилли ва бошқалар) тайёрланади.

Марказий Осиё ва Кавказorti мамлакатларида нон маҳсулотла-рининг оммавий навлари билан бир қаторда маҳаллий нон маҳсулот-лари ҳам ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш туб аҳолининг тарихий шаклланган урф-одатларига кўра ривожланган.

Ўзбек миллий нонлари. Асосий қисмининг ўртаси юпка, четлари қалин бўлган, юзасига расм туширилган думалоқшаклдаги маҳсу-лотлар ташкил қилади. Анъанавий технологияга кўра, бундай нон-ларнинг хаамири хамиртурушларда тайёрланади. Хамиртурушнинг ўзи турли хилдаги хом ашёдан фойдаланилган ҳолда кўп босқичли усул-да фойдаланишга ҳозирланади. Масалан, «Оби-нон» учун хамирту-руш куйидагича тайёрланади:

— ун (3 кг), ҳарорати 38°C бўлган гўшт ва бошқа масаллиқлари ажратилган куруқ шўрва (1,5 л) ва ачиган сут (0,2 л), тозалаб май-даланган бош пиёз (0,5 кг) аралаштирилиб намлиги 43,2 % бўлган хамиртуруш қорилади. Унинг бошланғич кислоталилиги 2,4 град. ни ташкил этади. Хамиртуруш 29°C ҳароратда 16 соат давомида 6,5 град кислоталиликкача бижғитилади. Тайёрланган хамиртурушга 17 кг ун ва сув қўшиб қорилади ва намлиги 43,2 %, ҳарорати 29°C бўлган хамиртурушнинг миқдори оширилади, яъни ишлаб чиқаришга юбори-ладиган хамиртуруш қорилади. Хамиртуруш 4—6 соат давомида 6,5 град кислоталиликкача бижғитиб, тайёр хамиртуруш хаамир қориш-га юборилади. Хаамир тайёрлаш учун ишлатиладиган хамиртуруш-нинг миқдори (кўтариш кучига қараб) сарфланадиган унга нисбатан 25—30 %ни ташкил қилади. Хамиртуруш ҳар 8—10 кунда янгиланиб турилади.

Ширмой нон хаамирини етилтириш учун нўхат-арпабодиён ши-раси асосида тайёрланган хамиртуруш ишлатилади. Шира 0,02 кг арпабодиён, 0,25 кг майдаланган нўхат ва 0,8 л сувдан тайёрланади. Бунинг учун арпабодиён уруғи устига сув солиниб, қайнаш ҳолати-га етказилади ва 10—15 минут

сақланади. Тайёрланган суюқлик филтр-ланиб, янчилган нўхат билан аралаштирилган ҳолда шира ҳосил қилиш учун 80°C ҳароратда 1 соат сақланади. Шундан сўнг, шира 38—40°C ҳароратда 13—14 соат бижғитилади. Шилага 0,4 кг ун қўшиб 28—29°C ҳароратда 2—6 град кислоталиккача 1 соат давомида бижғитиб опара тайёрланади. Опарага 0,5 кг ун, 0,2 л сув қўшиб, шу ҳароратда ва давомийликда бижғитиб ярим пойгар тайёрланади. Ярим пойгир, 5,5 кг ун ва 2,9 л сувдан 30 °C ҳароратда 3 соат давомида бижғитиб тайёрланади. Унинг охирги кислоталиги 3 град. Пойгир асосида 20 кг ун ва 9 л сув, 0,3 кг туз, 1,7 кг шакар, 1,55 кг қўй ёғи қўшиб атала тайёрланади. Атала 1 соат давомида 35—40 °C ҳароратда 2,2 град кислоталиккача бижғитилади. Тайёрланган аталага ун ва сув қўшиб, хамир тайёрланади.

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, хамиртуруш-ни анъанавий усулда тайёрлаш узок вақтни талаб қилади. Шунинг учун новвойлик саноатида хамир тайёрлашда хамиртурушдан эмас, балки ачитқилардан фойдаланилади. Хамир опарали ва опарасиз усул-ларда прессланган ва суюқачитқилардан фойдаланиб қорилади. Опарали усул қўлланилганда хамир тайёрлашда сарфланадиган уннинг 40—50 % опара тайёрлаш учун ишлатилади. Опарасиз усулда хамир тайёрланганда, уннинг умумий миқдоридан 10—20 %ни ўрнида бижғиган хамир қўшилади. Прессланган ва суюқ ачитқилар аралашмаси-дан фойдаланилганда опара ва хамирнинг кислоталиги 0,5 град ортишига рухсат этилади.

Бижғиган хамир машиналар ёки қўлда бўлакланиб, думалоқла-нади. Ўзбек нонларининг яна ўзига хос томони шундаки, хамир зувалаларига охирги тиндиришдан кейин шакл берилади. Хамир зу-валаларини тиндириш вагонеткалар, тиндириш камералари ва шкаф-ларида 20—60 минут давомида амалга оширилади.

Кўпчилик навдаги нонларнинг зувалаларига ўртаси юпқа, чет-лари қалин думалоқ (доира) шакл берилиб, ўртасига чекич урилади. Бундай нонларининг навлари нафақат рецептураси, балки шакли ва юзасидаги нақшлари билан ҳам бири-биридан фарқланади. Шунинг учун ҳам кўпчилик навдаги нонларнинг зуваласига ўртаси юпқа ва четлари қалин шакл берилса, баъзиларининг юзасига бир текис қалинликда шакл берилади. Чекичнинг учи турли шаклда (доира, тўртбурчак ва

ҳоказо) жойлашганлиги туфайли, унинг ёрдамида санчиб тешйклаш йўли билан зуваланинг юзасига ҳар хил нақшлар-ни яратиш имкони туғилади. Шакл берилган хамир бўлаклари пи-ширишга (ёпишга) юборилади.

Анъанавий технологияга кўра, ўзбек нонлари махсус тандирлар-да пиширилади (ёпилади). Тандир ичидаги ҳарорат режими, иссиқ-лик бериш усули, унинг конуссимон шакли, газсимон муҳитнинг таркиби ва бошқа бир қатор омиллар ноннинг сифатига сезиларли таъсир қилади.

II-БОБ. КАСБИЙ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА НОЎАНАВИЙ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

2.1.Ноъанавий таълим усулларидан фойдаланишни таълим технологиялари ва уни дарс жараёнида қўллаш механизми.

Модернизациялашиб бораётган таълим тизимимизда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш имкониятлари, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқирилиши ва амалий асосланиши қўлланилмоқда. Ноъанавий таълим усулларидан фойдаланишда таълим технологияларининг барчасини, шу жумладан педагогик компонентларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш лозим.

Мухтарам Президентимиз И.А.Каримов тарбиячиларни, яъни ўқитувчиларни замонавий талаблар асосида тарбиялаш лозимлиги хусусида қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиш керак.”⁹

Ҳозирги вақтда ноъанавий таълим усулларидан фойдаланишда ўқитувчилар билан бирга талабалардан ҳам замонавий таълим технология усуллари яхши билиш, ўқитувчининг ушбу усулларни қўллаб дарс бериш, талабаларни эса, улардан фойдаланиб дарсни ўзлаштириш кўникмасини шакллантириш лозимлиги талаб қилинмоқда. Бу ўз навбатида, ноъанавий таълим усуллари қўллалашда таълим технология усулларидан фойдаланишни нафақат ўқитувчилар, балки талабалар ҳам ўзлаштирган бўлишлигини тақозо қилмоқда. Чунки ноъанавий таълим усулларидан

⁹ И.А. Каримов “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 18.02.2012. № 35.

фойдаланишда таълим технологияларнинг афзалликларидан бири шундаки, у ўқитувчида ҳам, талабада ҳам мавжуд имкониятларни ишга солиш учун рағбат уйғотади, ҳар иккаласида ҳам бировларнинг назоратини кўтиб ўтirmасдан, ўзларини - ўзлари назорат қилиб туриш кўникмасини сингдириб боради.¹⁰

Педагог талабалар билан ишлаш жараёнида ўз маҳорати, усули, ўзига хос таълим технология сирларини эгаллаган малакага эга бўлиши шарт. Акс ҳолда ўқитувчи дарс беришдан, талабалар (ўқувчилар) эса дарснинг тинглашдан етарли даражада қониқиш олмайди ва бундай дарснинг самараси ҳам кам бўлади. Шу туфайли ўқитувчи-педагог талабалар билан бирга ишлайдиган, бир масалани биргаликда ўрганадиган, улардан билмаганларини ўзлари билиб оладиган кўникмани шакллантирадиган бўлиши лозим.

Мазкур параграфнинг саволига жавоб бериш учун педагогик илм ва амалиётда “ноаъанавий таълим усулларида фойдаланиш”, “ноаъанавий таълим усулларида фойдаланиш таълим технология” каби атамаларнинг маъноларини ўрганиб чиқдим. Шу билан бирга уларни малакавий амалиётимда қўллаш механизмини “тажриба-синов” асосида ўтказдим.

Г.Ахунова эса « ноаъанавий таълим усулларида фойдаланишда таълим технологияси - бу ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларни тадқиқ қилувчи ва қонуниятларни очиб берувчи педагогик йўналишдир. Таълимий технология — таълим олиш шакллари мақбуллаштиришни ўз вазифалари деб қўювчи, яъни бутун таълим бериш жараёнини ҳамда техникавий ва инсоний манбаларни ҳисобга олган ҳолда билимларни ўзлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳаракатини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли усули » деб таъриф беради.

Ноаъанавий таълим усулларида фойдаланиш таълим технология ўзида қуйидаги хусусиятларни намоён этади:

¹⁰ М.Қ.Пардаев “Иқтисодий фанларда педагогик технология: назария ва амалиёт”. Т.:”Иқтисодиёт ” -2012. 8 б

1. Ноъанавий таълим усулларида фойдаланиш таълим технология педагогик жараёни такомиллаштириш, оптималлаштиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш омили саналади.

2. Ноъанавий таълим усулларида фойдаланиш таълим технология дидактик ҳамда тарбиявий характердаги, шунингдек, таълим-тарбия жараёни самарали, маҳоратли тарзда ташкил этиш борасидаги назарий ҳамда амалий билимлар мажмуи, методологик фан сифатида намоён бўлади.


3. Ноъанавий таълим усулларида фойдаланиш таълим технология таълим-тарбия жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи яхлит жараёндир.

4. Ноъанавий таълим усулларида фойдаланиш таълим технология – йўналтирувчи вазифани бажаради, яъни, у шахсни ривожлантириш, тарбиялаш, шакллантиришга хизмат қилади.

5. Ноъанавий таълим усулларида фойдаланиш таълим технология-шахсийлик хусусиятига эга бўлиб, янги технологияни таълим-тарбия жараёнида қўллашга нисбатан ягона, қатъий, меъёрий (стандарт) талаблар қўйилмайди. Ҳар бир педагог у фаолият олиб юритаётган таълим-тарбия муҳитининг хусусиятлари, мавжуд ички ва ташқи шарт-шароитларини (1-жадвал) инобатга олган ҳолда муайян технологик ёндошувни амалга ошириш имкониятига эга.

6. Ноъанавий таълим усулларида фойдаланиш таълим технология ўзида таълим, тарбия ва шахс тараққиёти (камолоти) бирлигини ифода этади.

Ноъанавий таълим усулларида фойдаланиш таълим технологиясининг тузилиши



Менинг назаримда ноаъанавий таълим усулларида фойдаланиш таълим технология – шахснинг бор сифатларини шакллантириш учун ташкилий, мақсадга йўналтирилган ва ўзаро боғлиқ восита, усул, жараёнларнинг йиғиндисини ифода қилувчи аниқ яхлитликдир. Демак, айтиш мумкинки, ҳар қандай таълим технология асосини педагогик тизим ташкил этади. Бундай таълим технологияни режалаштирилган самараси унинг қандай тизимлаштирилганлиги ва тузилишига боғлиқ.

Янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари жорий этилиши ва таълим жараёнига таълим технологияларнинг, компьютер, янги ахборот технологиялари ва техник воситаларнинг қўлланиши билан дарс ишланмаларига қўйилган талаблар ҳам ўзгариб бормоқда. Дарс ишланмалари учун тайёр қолиплар йўқ. Чунки жонли дарс жараёнини ҳеч қанақа қолипга солиб бўлмайди. У турли хил шароитларда турлича тузилиши мумкин.

Шундай бўлса-да, касб-хунар коллеж ва академик лицей ўқитувчиларига дарс ишланмасини республикамизнинг етакчи педагоглар қуйидагича тузишларини тавсия этади:¹¹

1. Ташкилий қисм – саломлашиш, давоматни текшириш, зарур техник восита (видеопроектор, кодоскоп) ларни дарсга ҳозирлаш;

2. Кичик гуруҳларда ишлаш - ўтган дарс мавзуларини такрорлаш; талабалар гуруҳини жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш ва таълим технологиялари билан таништириш, талабаларни баҳолаш мезони билан таништириш; янги дарс мақсадини тушунтириш (дарс мақсади ва ёритилиши лозим бўлган асосий тушунча ва атамалар, олдиндан слайдга тақдимот сифатида ёзиб қўйилса вақт тежалади);

3. Янги мавзунини ёритиш - дарс материалларини кичик-кичик бўлақларга бўлиб, кетма-кет маълум узвийликда ва мантиқий боғлиқликда, кўргазмали тарзда ва турли хил ўқитиш услубларидан фойдаланган ҳолда бериш;

¹¹ Зиёмуҳаммедов. Б. "Педагогик технология" Тошкент: "Турон-Иқбол" 2006 йил 88 бет.

4. Янги мавзуни мустаҳкамлаш - олинган назарий билимларни ёрқин мисолларга қўллаш ва турли хил топшириқларни бажариш асосида ўқувчиларда янги мавзуга оид амалий кўникмаларни ҳосил қилиш ва баҳолаш; баҳолаш учун бериладиган савол ва топшириқлар айнан дарс мақсадидан келиб чиққан бўлиши, унга эришилган ёки йўқлигини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим;

5. Дарсга яқин ясаш ва баҳолаш - дарснинг мақсадини яна бир бор эслатиш ва унга қанчалик эришганликни ўқувчилар билан биргаликда аниқлаш; ўқувчиларнинг мавзу бўйича саволларига жавоб бериш, дарснинг асосий лаҳзаларини қайд қилиш, ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш, дарсда фаол қатнашган ўқувчиларни тилга олиш ва баҳолаш; (ўқувчилар билимини баҳолашни бутун дарс давомида турли хил усуллар ёрдамида ҳам бажариш мумкин; баҳолашдан мақсад ўқувчиларга фақат қандайдир балларни қўйиб боришдан иборат эмас, балки ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини назорат қилиб боришдан иборат бўлиб, керак бўлганда дарснинг боришига ўзгартиришлар киритиш, тушуниш қийин бўлган жойларга қайта тўхталиш лозим бўлади);

6. Уйга вазифа - ўтилган мавзу бўйича билим, малака ва кўникмаларни янада мустаҳкамлашга ёки келгуси дарс учун ҳозирлик кўришга қаратилган, мустақил бажаришга мўлжалланган савол, машқ ва топшириқлар мажмуаси.

Таълим технологияларининг дарс жараёнида қўлланиш тартиби (механизми)ни ишлаб чиқиш учун иқтисодчи-педагог гуруҳ ва кичик гуруҳлар билан ишлашни режалаштириш керак. Гуруҳда ишлашни режалаштириш пайтида нималарга эътибор бериш керак?

1.Вақтга:

Қўйилган мақсадларни амалга ошириш ва режалаштирилган натижаларга эришиш учун ихтиёрингизда қанча вақт борлигини аниқлаб олиш керак.

2.Машғуллот мақсадини танлашга:

Гуруҳларда машғулотларни қай тарзда ўтказишингизни аниқлаб олиш керак. Энг яхши модел - бу, ўқув гуруҳнинг барчасига вазифани тушунтиришдан бошланади, сўнгра кичик гуруҳларда ишлашдан ва ниҳоят, барча ўқув гуруҳи иштирокида якун ясашдан иборат.

- Иш жойини танлашга ва тайёрлашга:

Гуруҳларда ишлаш мос равишдаги шароитларни талаб қилади. Бу иш қаерда бажарилишини аниқлаб олиш керак .

Шундай аудитория танлаш лозимки, унда, бир-бирига ҳалақит бермаган ҳолда бир неча кичик гуруҳ ишлаш имкониятига эга бўлсин. Иш жойининг ўзини тайёрлаб қўйиш ҳам назарда туриши лозим: столлар қуйидаги тартибда жойлаштирилади:

- таълим олувчилар аудиторияда эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиши керак;

- ҳар бир гуруҳ аъзолари, бир-бирини кўрадиган ва эшитадиган даражада жойлашишлари керак;

- зарур ўқув қўлланмаларга барча осон етадиган бўлиши керак;

- Вазифани танлашга ва уни ифодалашга;
- Қўйилган таълим мақсадларига мос келадиган вазифаларни танлаш керак;

- биз, шуни ҳам ёдда тутишимиз лозимки, ўқув гуруҳларининг таркиби қуйидаги турли хусусиятларга эга ўқувчилардан иборат:

- қобилияти бўйича;

- билимлари ва маҳоратининг даражаси бўйича;

- психологик хусусиятлари бўйича: бир хиллари фақат «қисток» остида ўқийдилар, бошқалари мустақил ишлашни афзал кўрадилар, айримлари - фаол, мулоқот қилишга тайёр, иккинчилари - пассив ва ўз «қобиғи» га ўралган ва ҳ.к;

- ўқиш стили ва билим олиш усули бўйича: баъзилари маърузани эшитиб, бошқалари эса китоб билан ишлаб ўқув материални яхшироқ ўзлаштириладилар ва ҳ.к.

Буни эътиборга олган ҳолда, вазифани шундай ифода қилиш керакки, у бир неча қисмларни ўз ичига олсин. Бу эса ўз навбатида ҳар бир таълим олувчига ўзининг имкониятлари ва қобилиятларини, билимлари ва маҳоратларини намоён қилиш, кучли томонларини кўрсатиш имконини беради.

- уни бажаришда гуруҳнинг барча аъзоларини иштирокини таъминлайди.

- ўқув материалларини тайёрлашга:

Агар, дарсда турли тарқатма материаллар ишлатилса, у анча қизиқарли ва самарали бўлади. Уларни тайёрлаб қўйиш ва унумли фойдаланиш керак.

Шу билан, гуруҳлар учун ёзма йўриқномалар, таълим олувчилар учун эса - индивидуал натижалар карточкаларини тайёрлаб қўйиш керак.

Таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратиш яхши самара беради яъни

гуруҳларда ишлашга тайёргарлик кўриш пайтида қуйидагиларни ўйлаб қўйиш зарур.

Сони бўйича:

- 2 дан то 5 кишигача - унча катта бўлмаган вазифаларни бажариш учун;
- 5 дан то 7 кишигача - мураккаб вазифалар учун.

- Вақт бўйича:

Кичик гуруҳлар, белгиланган вазифани бажариш учун қанча вақт ажратилган бўлса, шунча вақт фаолият кўрсатади.

Иккинчидан, таълим олувчиларни гуруҳларга ким ажратишини аниқлаб олиниши зарур.

Таълим олувчиларни гуруҳларга ўқитувчи ажратади. Лекин улар, бажариш учун турли вазифалар берилган пайида, ўз қизиқишларига қараб гуруҳларни танлаши ҳам мумкин.

Гуруҳларда ишлаш қоидалари авваламбор:

Таълим олувчилар, гуруҳ аъзоларининг мажбуриятларини билишлари ва бажаришлари зарур:

- ҳар бир аъзо ўртоқлари фикрини эшитиши керак;

- ҳар бир аъзо ишда фаол қатнашиши ва ҳамкорликда ишлашдан бўйин тормаслиги керак;

- ҳар бир аъзо, зарурати бўлганда ёрдам сўраши керак;

- ҳар бир аъзо ундан ёрдам сўрашганда, бошқаларга ўз ёрдамини бериши керак;

- ҳар бир аъзо гуруҳ ишининг натижаларини баҳолашда иштирок этиши керак;

- ҳар бир аъзо ўзининг ролини яхши тушуниши ва бажариши керак.

Таълим олувчилар гуруҳларда ишлаётган пайтда, ўқитувчи кузатувчи сифатида бўлади.

Лекин бу пайтда:

- Таълим олувчиларга ёрдам бериши мумкин. Шуни ёдда тутиш керакки, улар фаолиятининг янги усулини ҳамда ўқув материални (мазмунини) ўрганмоқдалар.

- Индивидуал равишда ишлашларига, аниқ вазифани бажариш учун зарур бўлган маҳоратни шакллантиришга эътибор қилиш керак.

Таълим олувчиларга қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

- бажараётган ишлари ҳақида ахборот бериб боришни. Бунда, уларга очик саволлар бериш билан кўмаклашиш мумкин (улар, нима? ва қандай? деган саволлар билан бошланади);

- ҳодисаларни таҳлил қилишни, бунинг учун уларга қандай? Деган савол баринг;

- ўз фикрларини изҳор қилишни: ушбу усул нима учун яхши ёки ёмон?

- ўзларининг ва бошқаларнинг ишларини кузатишдан маълумотлар олишни. «Нега бу шундай деб ўйлайсан?» - таҳлил қилишни бошлаш учун яхши савол ҳисобланади;

- овозни чиқариб фикр юритишни, бошқаларни тинглашни, олинган ахборотлардан маълумотларни олишни. Уларга савол бериш билан гуруҳли баҳс юритишга жалб қилинг. Масалан, «Агар бундай бўлса-чи?», «Қандай

бошқа усуллар мавжуд?», «Айримларнинг фикрича, бу ...?», «...лардан фойдаланишимиз мумкин».

- Ишлаётган гуруҳларни назорат қилиш мумкин, лекин уларни бошқармаслик керак. Таълим олувчилар ўзлари учун жавобгардирлар. Агар улар хатога йўл қўйсалар ҳам, мустақил ишлашга рухсат бериш мумкин.

Таълим олувчилар кўпроқ тажриба орттирган сари бериладиган саволларнинг характери ўзгариши кераклигига эътибор берилади. Олдин биз кўпроқ, гуруҳларда ишлаш жараёни ўзи билан шуғулланамиз, кейин эса, кўпроқ вазифаларда ўз диққатимизни мужассамлаштиришимиз мумкин. Бир хил саволларнинг ўзини, бир хил даражада, меҳнат жараёни ва билимга нисбатан ишлатишимиз мумкин.

Демак, ўқитувчи таълим технологиясини дарс жараёнига татбиқ этганда:¹²

- “қандай ўқитиш керак?” деган саволга жавоб бермай, балки аҳамиятли қўшимча бўлган *“натижавий қандай ўқитиш ва ўқув жараёнини қандай қилиб энг мақбул ташкил этиш керак?”* деган саволга жавоб беради;

- *аниқ шароитлардан келиб чиққан ва маълум натижага йўналган, аниқ педагогик ҳоляга* лойиҳаланади;

- ўз натижаларини қайта ишлаб чиқариши билан фарқланади;

- таълим олувчилар ва таълим берувчига йўналтирилган дарснинг услубий ишланмаларидан фарқли ўлароқ, таълим олишда уларнинг ўз фаолиятлари ҳисобига ютуқ таъминланишига йўналтирилади.

- *тажриба ўтказмайди*: у аниқ белгиланган натижа билан иш олиб боради;

- ажратилган вақт ва мавжуд шароитларда белгиланган мақсадларни амалга оширишда гумон ҳосил қилмайдиган *асосланган ўқитиш моделига таянади*.

¹² Йўлдошев Ж. “Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш”-Т., 2008, 130б.

2.2. Ўқув жараёнида нон пишириш технологияси ҳақида асосий маълумотлар бобини ўқитишда ноанъанавий таълим усулларида унумли фойдаланиш имкониятлари

Ноанъанавий таълим усулларида фойдаланиш натижасидан келиб чиқиб таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча рухий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан қуникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, қуникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндошувни талаб этади.

Ўқитиш жараёнида ноанъанавий таълим усулларида фойдаланишда талабаларга шахс сифатида қаралиши, турли таълим технологиялар ҳамда замонавий методларни қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндошиш, масъулиятни сезиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга, ўзи танланган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради.¹³

Ноанъанавий таълим усулларида фойдаланишда натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади. Улар жуда хилма-хилдир. Малакавий амалиётимда баъзиларини ўргандим ва дарс жараёнига тадбиқ қилдим:

Таълимий ўйин ёки ишбилармон ва рол (ҳолат)ли ўйинлар муаммоли топшириқнинг бир тури. Фақат бундай ҳолатда матнли материал ўрнига, таълим олувчилар томонидан ўйналадиган сахналаштирилган ҳаётий ҳолатлар ишлатилади

¹³ М.Қ.Пардаев “Иқтисодий фанларда педагогик технология: назария ва амалиёт”. Т.:”Иқтисодиёт” -2012.
28 б

Ўқув жараёнида нон пишириш технологияси ҳақида асосий маълумотлар бобини ўқитишда ноанъанавий таълим усулларида унумли фойдаланиш ўқитиш усули сифатида у қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ўргатувчи:** умумўқув малакаларни шакллантириш; ижодий қобилиятни ривожлантириш, шу жумладан, тушуниш, янги ҳолатларни шакллантириш ва таҳлил қилиш;

- ривожлантирувчи:** мантиқий фикрлаш, нутқ, атроф-муҳит шароитига ўрганиш қобилиятини ривожлантириш;

- мотивацияли:** таълим олувчиларни ўқув фаолиятига ундамоқ, мустақил ҳулоса қабул қилишини рағбатлантирмоқ;

- тарбияловчи:** масъулиятлилиқни, фикр алмашишлиқни шакллантириш.

Ўйин усуллари ва дарс шаклидаги машғулот ҳолатларини амалга ошириш қуйидаги асосий йўналишларда содир бўлади:

- дидактик мақсад таълим олувчилар олдига вазифа кўринишида кўйилади;

- ўқув фаолият ўйин қоидаларига бўйсунди;

- ўқув материал ўйиннинг воситаси сифатида ишлатилади;

- ўқув фаолиятига дидактик вазифани ўйинга айлантирадиган мусобақа бўлаги киритилади;

- дидактик вазифани муваффақиятли бажариш ўйин натижалари билан боғланади.

Ишбилармон ўйин иштирокчиларига ҳаётий ҳолатда қурилган ўйинли сюжет таклиф қилинади, бунда иштирокчилар олдига ягона умумий мақсад: таклиф этилаётган муаммони ечиш қўйилади.

Шу билан бир вақтда ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши лозим. Шунинг учун ечимни ишлаб чиқиш жараёни алоҳидали-гуруҳли хусусиятга эга: ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифали мақсадига мувофиқ қарор қабул қилади, ундан сўнг эса уни гуруҳ билан келишади. Алоҳида вазифали мақсад бажарилиши бутун гуруҳ қарор қабул

қилиш натижаларига боғлиқ. Одатда, ишбилармон ўйин давомидаги муаммони ечиш бир нечта босқичда (2 дан 10 гача ва бир ўйин кўп).

Иштирокчилар ҳаракатини баҳолаш якуний ва оралиқ натижалар бўйича амалга оширилади: оралиқ баҳолаш белгиланган мақсадни амалга оширишда уларнинг англаб етишини ошириш мақсадида бизга ўйин давомида иштирокчилар ҳаракатига таъсир кўрсатиш имконини беради, якуний натижани баҳолашда иштирокчиларнинг ташкилий фаолиятлари ва улар томонидан вазифали ролли мақсадни бажариш ҳисобга олинади.

Ролли ўйин, ишбилармонлик каби вазиятда кўрсатилган, муаммони ечишда иштирокчиларнинг фаол биргаликдаги ҳаракатларига асосланади. Мавзу катнашчиларининг битта мажбурий мақсадлари бор - муаммони ечиш. Лекин алоҳидали мақсадлар, ишбилармон ўйиндаги каби келишиб олинмайди. Ролли ўйиннинг ҳар бир иштирокчилар мақсадлари - ғалаба қозониш, ўзини кўрсатиш. Вазиятли ўйин якунларини нафақат умумий мақсадга эришиш натижалари бўйича эмас ва балки ҳар бир иштирокчининг ролли мақсадларини амалга ошириш бўйича баҳоланади.

Сиз томондан ишлаб чиқилган ўйин ҳақиқий ҳаётга мумкин қадар яқин бўлиши, лекин иштирокчилар учун жуда мураккаб ва қийин бўлмаслиги керак.

Вазиятлар усули – таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишга ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан тузилган

Усулнинг етакчи вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўргатувчи – билимларни фаоллаштиришга асосланган;
- Ривожлантирувчи – таҳлилий тафаккурни, алоҳида ҳодисаларнинг далиллари қонунийликни кўра билишини шакллантириш;
- Тарбияловчи – фикр алмашилиш кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалардан фойдаланиш усули бизга, назарияни амалиёт билан боғлаш, имконини беради, бу материални таълим оловчилар учун янада кўп долзарбли қилади.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қуйидагилардан иборат бўлади:

- номаълумнинг борлиги, уни топиш янги билимларни шаклланишига олиб келади;
- номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун таълим оловчиларда маълум даражада билим манбалари борлиги.

Муаммо 3 таркибий қисмдан ташкил топади:

- маълум (ушбу берилган вазифадан).
- номаълум (топиш янги билимлар шаклланишига олиб келади).
- номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун керак бўлган, аввалги билимлар (таълим оловчилар тажрибаси).

Шундай қилиб, ўқув муаммосини таълим оловчиларга олдиндан номаълум бўлган натижа ёки бажариш усули вазифаси сифатида аниқлаш мумкин. Лекин таълим оловчилар ушбу натижа қидирувини амалга ошириш ёки ҳал этиш йўли учун дастлабкига эгадирлар. Шундай қилиб, таълим оловчилар ҳал этиш йўлини билади, вазифаси ўқув муаммоси бўлмайди. Бошқа томондан, агар таълим оловчилар у ёки бу вазифани ечиш йўлини билмай уни ечиш қидируви учун воситага эга бўлмасалар, унда у ҳам ўқув муаммоси бўлиши мумкин эмас.

Муаммоли вазифанинг мураккаблиги (вазият “ўқув” муаммо) бир қатор далиллар билан аниқланади, бу жумладан таълим оловчилар даражасига мос қилиши керак. Агарда таништирувчи материал жуда ҳам ҳажми катта ёки мураккаб бўлса, улар ҳамма акборотни қабул қила олмайдилар, ечимини топишни билмайдилар ва ўқув фаолиятида бўлган ҳар қандай қизиқишлардан маҳрум бўладилар.

Муаммоли вазифани ишлаб чиқиш катта меҳнат ва педагогик маҳоратни талаб этади. Қоидага биноан, вазифани бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг ўқув гуруҳида омадли вариантини тузишга эга бўлинади.

Шунга қарамай, бундай вазифалар назарияни ҳақиқий вазият билан боғлаш имконини беради. Бу таълим олувчилар онгида ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, келажакдаги касбий фаолиятлари учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаб етишга ёрдам бўлади.

Ҳамкорликдаги ўқиш: тамойил ва қоидалари

- 1) гуруҳга битта топшириқ;
- 2) битта рағбат: гуруҳ барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гуруҳ аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йиғиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гуруҳ (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;
- 3) ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гуруҳнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулиятлиги;
- 4) ҳамкорликдаги фаолият: гуруҳий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;
- 5) муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштиришга, шахсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқишга берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.

“Ўйланг - жуфтликда ишланг - фикр алмашинг” техникаси

Ушбу техника биргаликдаги фаолият бўлиб, талабаларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

“Ўйланг - жуфтликда ишланг - фикр алмашинг” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши

1. Ўқитувчи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиш, сўнг қисқа жавоблар ёзиш тартибида.



2. Талабалар жуфтликларга бўлиниб, бир - бири билан фикр алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.



3. Ўқитувчи бир неча жуфтликларга ўттиз секунд давомида аудиторияга ўз ишининг қисқа якунини ифодалаб беришни таклиф қилади.

Қуйидаги ўқув топшириқларини бажариш учун 3 гуруҳга бўлининг:

1. Мустақил хоҳлаган шаклда “ҳамкорликдаги ўқиш”, “ўзаро ўқиш”, “биргаликда ўқиш” тушунчаларига, сизнинг фикрингиз бўйича, муносиб тавсиф ва белгиларни ёзинг.

2. Гуруҳда биргаликда ёзилганларни муҳокама қилинг ва ушбу тушунчаларни бирга таққослаб таҳлил қилишга ҳаракат қилинг (график ташкил этувчиларидан фойдаланишингиз мумкин).

3. Сиз учун учта ўқиш техникасидан қайси бири маъқул? Ўз жавобингизни асослаб беринг.

Ушбу мавзу бўйича гуруҳ билимини акс этадиган кўргазмали тақдимотни тайёрланг.

Бошқа гуруҳ аъзоларининг билимини текшириш учун саволларни тайёрланг.

Ноанъанавий дарс, юкорида айтиб утилганидек, ўқитишни ташкил этишнинг ўзгармас шакли эмас. Ўқув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йулларини излайди. Бу соҳада турли хил курик-танловлар, жумхурият микёсида ўтказилаётган педагогик ўқишларда ўртага қуйилаётган илғор ўқитувчиларнинг фикр ва мулохазалари диққатга сазовордир.

Турли - туман фикр ва мулохазаларни ҳисобга олган ҳолда ноанъанавий

дарс куйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим:

1. Ҳар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.

2. Ҳар бир дарс мустаҳкам ғоявий - сиёсий йуналишга эга булмоғи лозим.

3. Ҳар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган бўлмоғи лозим.

4. Ҳар бир дарс хилма-хил усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилмоғи лозим.

5. Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмоқ лозим.

6. Ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.

7. Дарсда ўқув материалларининг мазмунига оид кўрсатмали қуроллар, техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.

Ҳамкорликда ўқиётган ўқувчилар асосий қоидаларни билиши зарур:

- топшириқни биргаликда оддий бажариш эмас, балки биргаликда ўқиш;
- мусобақалашиш эмас, балки ҳамкорлашиш;
- биргаликда ишлашга ўрганиш, ўқиш ва ижод;
- ҳар доим бир-бирига ёрдам қилишга, муваффақият қувончи ёки муваффақиятсизлик аччиғини бирга тортишга тайёр бўлиш керак.

Демак, ноанъанавий таълимда интерфаоллик даража қанча юқори бўлса, таълим бериш жараёни шунча натижали бўлади.

П И Н Б О Р Д

Пинборд (инглизчадан: *pin*- маҳкамлаш, *board* – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув суҳбатини амалий усул билан мослашдан иборат.

Таълим берувчи:

→ Таклиф этилган муаммони ечишга ўз нуқтаи назарини баён қилади.

→ Оммавий тўғри ақлий ҳужумни ташкиллаштиради.

Таълим олувчилар қуйидаги ғояларни:

→ Таклиф этадилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар энг кўп мақбул (самарали ва бошқа ғояларни танлайдилар ва уларни қоғоз варағига асосий сўзлар кўринишида (2 сўздан кўп бўлмаган) ёзидилар ва ёзув тахтасига бириктирадилар.

→ Гуруҳ аъзолари (таълим берувчи томонидан белгиланган 2-3 талаба ёзув тахтасига чиқадилар ва бошқалар билан маслаҳатлашиб:

- аниқ хато ёки қайтариловчи ғояларни саралайдилар;
- тортишувларни аниқлайдилар;
- ғояларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгилар бўйича аниқлайдилар;

- шу белгилар бўйича ҳамма ғояларни ёзув тахтасида гуруҳлайдилар (карточка/ варақлар).

Таълим берувчи:

→ Умумлаштиради ва иш натижаларини баҳолайди.

Иқтисодчи-педагог томонидан ишлаб чиқилган ўйин ҳақиқий ҳаётга мумкин қадар яқин бўлиши, лекин иштирокчилар учун жуда мураккаб ва қийин бўлмаслиги керак.

III-БОБ. КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА НОАЪАНАВИЙ ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ.

3.1. Нон пишириш технологияси ҳақида асосий маълумотлар бобини ўқитишда таълим технологияларни татбиқ этиш буйича амалий тадқиқотни ташкил этиш ва унда қўлланилган услублар таҳлили.

Ноаъанавий таълим усулларида фойдаланишнинг моҳияти - ўқитувчи ҳамда ўқувчининг биргаликдаги фаолияти мазмунида акс этади, мазкур жараёнда педагог ўқитувчига юзага келган қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Педагогик ёрдамнинг асосий моҳияти педагогик жараённинг тавсифи, унинг маълум мақсадга йўналтирилганлиги, шунингдек, шахсни шакллантириш ва тарбиялаш борасида ҳал этиладиган вазифалар билан ифодаланади. Педагог ахборотни эълон қилиш, кўрсатиш, эслатиш, тушунча ёки маслаҳат бериш, йўналтириш, ҳаққонийлаштириш, кенгашиш, бартараф этиш, ҳамдардлик қилиш, илҳомлантириш, қизиқиш ва ҳурматни изҳор қилиш, талабчанликни қўллаб-қувватлаш каби кўринишларда ёрдам беради.

Ноаъанавий таълим усулларида фойдаланиш ёрдамида талабаларнинг фаоллигини ошириш учун касб-хунар коллеж ўқитувчилари, биринчи ўринда, таълимни ташкиллаштириш шаклларига катта аҳамият бериши керак, деб ўйлайман.

Бу ўринда таълим мақсадларининг белгиланиши (кимга ва нима учун?), мазмунан танлаш ва ишлаб чиқиш (нима?), таълим жараёнини ташкил қилиш (қандай?), таълим метод ва воситаларини белгиланиши (нималар ёрдамида?), шунингдек, ўқитувчилар малака даражаси (ким?), эришилган натижаларни баҳолаш методи (қанда йўл билан?) инобатга олиниши лозим. Ушбу мезонларнинг мажмуавий тарзда қўлланилиши замонавий таълим жараёнининг моҳияти ва технологиясини очиқ беради.

Демак, ноаъанавий таълим усулларида фойдаланишда дарсларни ташкил этишга нисбатан қуйидаги дидактик талаблар қўйилиши керак:

1. Дарс мақсади ва вазифаларининг аниқлиги ҳамда педагогик жиҳатдан тўғрилиги;
2. Дарснинг таълимий, тарбиявий ва шахсни ривожлантирувчанлик вазифаларининг бирлиги ва узвийлиги;
3. Ўқитишнинг яхлит дарс ва унинг маълум қисмлари, вазифалари ҳамда мазмунига мувофиқ келадиган, ўқувчиларнинг билиш фаолликлари ва мустақил фаолиятларини таъминлашга хизмат қилувчи маъқул методларни танлаш;
4. Машғулотларнинг турли шакллари: жамоада, гуруҳли ва якка тартибдаги шаклларни маъқул равишда қўшиб олиб бориш;
5. Ўқитувчининг раҳбарлик роли билан ўқувчилар фаол билиш фаолиятини бирга олиб бориш.
6. Дарсларнинг ўзаро узвий ва диалектик хусусиятига эга бўлишга эришиш;
7. Ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш;
8. Дарсда ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш учун қулай шарт-шароит яратиш;
9. Дарсларни демократик тамойиллар асосида ташкил этиш;
10. Дарсда ўқувчи-талаба эркинлигини таъминлашга эришиш.

Менинг назаримда, бугунги кунда таълим технологиялар татбиқий асосини шахсий фаолиятли ёндашув, танқидий-ижодий фикрлаш, муаммоларни ҳал этиш, қарор қабул қилиш ва жамоада ҳамкорликни қарор топтиришга оид педагогик технологияларни ишлаб чиқиш эҳтиёжи юзага келмоқда.

Замонавий дарснинг ҳар бир босқичи талабаларнинг фаол фикрлашига ундаши зарур. Бунда ўқитувчининг талабаларга ва уларнинг ўзаро бир-бирларига берадиган саволлари, ҳал этишга тавсия этиладиган топшириқлар бўлиши шарт. Бугунги кунда дарс турлари кўпайиб бормоқда, масалан:

- 1.Муаммоли дарс*
- 2.Анжуман дарси*
- 3. Фикрни сўз билан ифодалаш дарси*
- 4.Муаллифлик дарси*
- 5.Мунозарали дарс*
- 6.Қайтар алоқадан фойдаланилган дарс*
- 7.Аниқ вазиятларни кўриб чиқиш дарси*
- 8.Маъруза-суҳбат дарси*
- 9.Бинарли маъруза дарси.*

Менинг назаримда, дарс турлари мавзуга тўғри келиши керак, яъни иқтисодчи – педагог дарс турини танлаганда иқтисодий мавзунинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиши керак. Масалан, иқтисодий фанларни ўтганда муаммоли дарслардан фойдаланиш мумкин. Чунки, муаммоли дарсда ўқитувчининг (ўз жавоби ўзи билан) баёнидан иборат бўлмай, балки машғулот давомида бир неча (2-3 та) муаммолар қўйилади. Уларни ечимини топишда талабалар фаол иштирок этадилар, бунинг натижасида янги ахборотнинг бир қисмини уларнинг ўзлари мустақил излаб топадилар. Ўқитувчи эса, талабаларнинг ижодий фикрлаш жараёнини бошқариб боради. Иккинчидан, талабалар ўқув жараёнидаги суст (пассив) тингловчидан фаол иштирокчига айланадилар. Ўз фикрлари, ғоялари, қарашлари билан машғулотда фаол иштирок этиб, унинг мазмуни ва натижасини янада бойитадилар. Учинчидан, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, талабаларнинг фақат хотираси эмас, балки уларнинг кўп вариантли (дивергент) тафаккури ва шахси ҳам ривожланади. Методик жиҳатдан тўғри қўйилган муаммолар талабалар тафаккурини, муаммоларни мустақил ҳал қилиш қобилиятини ривожлантиришнинг калити бўлиб ҳисобланади.

Педагогика фанида муаммоли ўқитишнинг – муаммоли савол, муаммоли вазият, муаммоли масала ва муаммоли топшириқ шакллари мавжуд.

Муаммоли ўқитишнинг тайёрлашда қуйидаги белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

МС - муаммоли савол. **МТ** – муаммоли топшириқ.

МВ - муаммоли вазият. **М** - муаммоли масала.

Анжуман дарс - ўқитувчи томонидан тайёрланган дастур микёсида, олдиндан белгиланган муаммо ва маъруза тизими билан илмий-амалий машғулоти олиб борилади. Педагогик вазифалари: янги ўқув маълумотини ёритиб бериш, талабаларни янги ўқув маълумотини излаш ва тизимлаштиришга ҳаракат қилдириш

Бинарли маъруза дарси - бундай маърузани олиб борилиши икки ўқитувчи - / 2- касб-хунар коллеж вакиллари / олим ва амалиётчилар, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги суҳбатни намоён қилади. Педагогик вазифалари янги ўқув маълумотларни икки томон нуқтаи назарларини таққослаш орқали ёритиб берилади.

Семинар дарсларини ташкил этишда гуруҳни микрогуруҳларга бўлиб интерфаол усуллардан фойдаланиш даври талаби ҳисобланади. Унинг моҳияти шундаки, гуруҳ талабалари 4-6 кишидан иборат микрогуруҳга бўлинади. Микрогуруҳларнинг кўпчилиги иш натижалари тақдироти вақтини чўзиб юборади, микрогуруҳлардаги талабаларнинг кўпчилиги эса, ҳар бир талабанинг фаол иштирок этиш имкониятини чеклайди. Микрогуруҳлар дарсининг ташкилий қисмида рақамли ёки ҳарфли карточкалар ёрдамида шакллантирилади. Талабаларнинг ўз ҳоҳишлари бўйича микрогуруҳлар ташкил қилишлари ёки “яхши” ва “ёмон” микрогуруҳларнинг шаклланиб қолиши мақсадга мувофиқ эмас. Барча микрогуруҳларга бир хил ёки ҳар бирига алоҳида топшириқ берилиши мумкин. Микрогуруҳ аъзолари ўзаро фикр алмашиб, топшириқни мустақил ечишлари зарур. Ўқитувчи

микрогурухни оралаб, уларга (ҳар бир талабага ҳам) топшириқни бажариш учун йўлланма ва маслаҳатлар бериб боради.

Микрогуруҳ таркиби ва сардорлари ҳар бир топшириқ ҳал қилингандан сўнг ёки навбатдаги машғулотда алмаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Микрогуруҳларда ишлаш стратегиясининг аҳамияти шундаки, унда топшириқни бажаришда барча талабалар фаол иштирок этади ва уларнинг ҳар бири сардор(тақдимотчи) бўлиш имкониятига эга бўлади. Ўқитувчи эса, ҳар бир талаба билан яқка тартибда ишлаш учун кўпроқ имкониятга эга бўлади.

Битирув олди малакавий амалиётда ўтказган ноанъанавий дарслардан намуналар келтирган ҳолда мазкур параграфнинг мазмунини очиқ бермоқчи бўлдим. Малакавий амалиёт вақтида ноанъанавий дарсларни ташкил қилишда вақтни тўғри тақсимлашга (2-жадвалга қаранг) аҳамият бердим ва ноанъанавий дарсни қўйидагича тақсимладим.

2-жадвал.

№	Дарс мазмуни, қисмлари	Ажратиладиган тахминий вақт
1	Дарсининг ташкилий қисми	5 дақиқа
2	Ақлий хужум	5 дақиқа
3	Кичик маъруза (янги мавзу баёни)	20 дақиқа
4	“Картотека” усули ёрдамида иқтисодиёт билим асослари фанининг тармоқларини аниқлаш	30 дақиқа
5	“SWOT–таҳлил” технологияси орқали мустаҳкамлаш, тескари алоқа ўрнатиш, баҳолаш	15 дақиқа
6	Талабаларнинг баҳоларини эълон қилиш ва дарсга яқун яшаш	5 дақиқа

Ноанъанавий дарс таълим ва ахборот технологиялари ёрдамида ташкил қилинди. Дарсда “Картотека” ва “SWOT – ТАҲЛИЛ” таълим технологиялари жорий этилди. Мазкур технологиялар ёрдамида талабалар

фаоллигини оширишга эришдим ва гуруҳдаги барча талабалар баҳоланди. Талабаларни “Картотека” технологиясининг ўтказиш тартиби билан таништирдим, гуруҳни 3 та кичик гуруҳга бўлдим. Талабалар диққатини экрандаги жадвалга қаратдим: сиз 15та таблодан ташкил қилинган жадвални кўриб тўрибсиз. Ҳар бир кичик таблода иккита рақам кўрсатилган, масалан 3/20, бу ерда 3 – бу саволнинг рақами яъни ҳар бир рақам остида (мавзу бўйича 15 савол тузиб келинган) савол мавжуд. 20 – эса, тўғри ва тўлиқ жавобга (саволнинг оддийлиги ёки мураккаблигига қараб) берилган балл. Кейинги босқичда талабалар баҳолаш мезони билан танишди:

“Картотека” технологияси асосида гуруҳларда ишлашни баҳолаш.

Гуруҳлар	Жавобнинг тўлиқлиги. (1,0)	Жадваллар да берилган лиги (0,4)	Гуруҳ иштирок чисининг фаоллиги(0,6)	Баллар.	Баҳоси.
1	1,0	0,4	0,6	2	аъло
2	0,7	0,3	0,3	1,3	қониқарли
3	0,9	0,3	0,5	1,7	яхши

Картотека технологияси

1/10	2/20	3/20	4/15	5/20
------	------	------	------	------

6/10	7/10	8/10	9/10	10/15
------	------	------	------	-------

11/20	12/15	13/20	14/20	15/10
-------	-------	-------	-------	-------

Қоидага кўра, SWOT – таҳлил муваффақиятини ташкиллаштиришига боғлиқ бўлмай, балки муҳокаманинг натижалари келгусидаги аниқ таклиф ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши мумкин. Бу технология ёрдамида талабалар маълумотларни мустақил таҳлил қилади, солиштиради ва таққослайди. Бундаги кетма-кетликлар қуйидагича бўлиши керак:

“SWOT – таҳлил” жадвалининг номи инглизча сўзларнинг бош ҳарфларидан тузилган:

Strengths – кучли томони, ташкиллаштиришнинг ички манбалари мавжудлиги назарда тутилади;


Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммоларнинг мавжудлиги;

Opportunities – ташкиллаштиришдан ташқарида ривожланиш учун мавжуд, имкониятлар;

Threats – ташқи муҳитда ташкиллаштиришни муваффақиятига таъсир этувчи хавф-хатарлар.

	<i>Таҳлил таркиблари</i>	<i>Натижаларни амалга оширишнинг хусусиятлари</i>
	Кучли томонлари (ташкиллаштиришнинг ички манбалари)	- барқарор ривожланишнинг асосий механизми бўлиб хизмат қилади; - янги лойиҳалар асоси ҳисобланади; - тўсиқларни енгиб ўтишининг йўли бўлиши мумкин.
	Кучсиз томонлари (ташкиллаштиришнинг ички муаммолари)	- ташкиллаштириш фаолияти айнан шуларни енгиб ўтишга йўналтирилган бўлиши лозим; - янги лойиҳалар учун энг муҳим мақсад ҳисобланади; - ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда албатта ҳисобга олиниши зарур
	Имкониятлар (ташқаридан)	- молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча кўрсаткичи ёки ташқи манба бўлиб хизмат қилади, - улар ташкиллаштиришнинг мақсади билан ёки қанчалик муросага келишиши билан қанчалик мос келишини ҳисобга олиш зарур бўлади; - янги лойиҳаларнинг асоси ёхуд ҳамкорликни излаш манбаси бўлиши мумкин.
	Хавфлар (ташқаридан)	- Ҳар бир янги лойиҳада ҳисобга олиниши зарур; - уларни енгиб ўтиш ёки бетараф этиш йўллари ишлаб чиқиши керак; - баъзида мантиққа мос келмайдиган “рақиблар” “иттифоқчиларга” айланиши бўлиши мумкин.

“Илон изи” “Арра” техникаси



Мазкур технологияларнинг моҳияти шундаки, гуруҳ талабалари 6 кишидан иборат 3та микрогуруҳга бўлинади ва талаба ҳар битта муаммоли вазиятга ўз фикрини билдиришга ҳаракат қилади. Шу туфайли талабалар фаоллиги ошади. Хатто пасив талабалар ҳам мустақил фикрлай бошлайди.

“Картотека”, “SWOT – таҳлил” ва “Илон изи” “Арра” техникаси” технологияларини жорий этишда қўйидагиларга эътибор бериш керак: микрогуруҳларнинг кўплиги иш натижалари тақдироти вақтини чўзиб юборади, микрогуруҳлардаги талабаларнинг кўплиги эса, ҳар бир талабанинг фаол иштирок этиш имкониятини чеклайди. Микрогуруҳлар дарснинг ташкилий қисмида рақамли ёки ҳарфли карточкалар ёрдамида шакллантирилади. Талабаларнинг ўз хоҳишлари бўйича микрогуруҳлар ташкил қилишлари ёки “яхши” ва “ёмон” микрогуруҳларнинг шаклланиб қолиши мақсадга мувофиқ эмас. Барча микрогуруҳларга бир хил ёки ҳар бирига алоҳида топшириқ берилиши мумкин. Микрогуруҳ аъзолари ўзаро фикр алмашиб, топшириқни мустақил ечишлари зарур. Ўқитувчи микрогуруҳни оралаб, уларга (ҳар бир талабага ҳам) топшириқни бажариш учун йўлланма ва маслаҳатлар бериб боради. Микрогуруҳ таркиби ва сардорлари ҳар бир топшириқ ҳал қилингандан сўнг ёки навбатдаги машғулотда алмаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Микрогуруҳларда

ишлаш стратегиясининг аҳамияти шундаки, унда топшириқни бажаришда барча талабалар фаол иштирок этади ва уларнинг ҳар бири сардор(тақдимотчи) бўлиш имкониятига эга бўлади. Ўқитувчи эса, ҳар бир талаба билан яқка тартибда ишлаш учун кўпроқ имкониятга эга бўлади.

Битирув олди малакавий амалиёт ўтаган вақтимнинг асосий қисмини -иқтисодий фанларни талабаларга қизиқарли ва самарали ўтиб бериш учун сарфладим. Шу билан бирга иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида ноанъанавий дарс шаклда амалий тадқиқотни ташкил этдим ва унда қўлланилган замонавий педагогик технологиялар таҳлилини ҳам ўтказдим. Битирув олди амалиётимни Саттепо туризм ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ўтказдим. Ноанъанавий дарсни 135 гуруҳ талабаларига 30 апрель куни ташкил қилдим. “Иқтисодиёт билим асослари” фанидан “Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари” мавзуси бўйича муаммоли семинар дарсини ташкил қилдим.

Очиқ семинар дарс ўтишга ҳозирлик кўрган чоғимда, биринчи ўринда семинар машғулоти режасига биноан дарсни қандай, қайси услубларни қўллаб ўтказишим кераклигига алоҳида эътибор бердим, қандай кўргазмалар, куроллар, тарқатма материаллардан фойдаланишни аввалдан режалаштириб қўйдим, зарур материалларни тайёрлаб қўйдим. Чунки, семинар дарси талабаларнинг олган билимларини мустаҳкамлаб олишлари, уни пухта ўзлаштиришлари ва олган билимларини келгусида реал ҳаётда қўллашни ўрганишларида алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ҳам семинар дарсни қизиқарли, талабаларни фаол қатнашишларини таъминлайдиган услубларни қўллаб дарс ўтишим муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қатнашдилар: Саттепо туризм ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг 135 гуруҳ талабалари амалиёт раҳбарим Тўхтамишев Азиз Қаҳрамонович ва коллежнинг 3 нафар ўқитувчилари.

Ноанъанавий дарс учун муаммоли семинар машғулоти ўқитиш технологияси (1 ва 2-жадвалда кўрсатилган) ва технологик картаси ишлаб чиқилди

“Нон пишириш технологиясини хусусиятлари” мавзуси бўйича

муаммоли семинар машғулоти ўқитиш технологияси

<i>Вақт: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 27 нафар</i>
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	Муаммоли семинар
<i>Ўқув машғулоти режаси</i>	1. Ўқиш даври назарияси. Бозор иқтисодиётига ўқиш тарихий жараён эканлиги. Ўқиш даврининг асосий белгилари, турлари ва қонуниятлари. 2. Бозор иқтисодиётига ўқишнинг миллий андозалари, уларнинг умумийлиги ва фарқли жиҳатлари. 3. Бозор иқтисодиётига ўқишнинг «ўзбек модели» ва унинг хусусиятлари. 4. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида давлатнинг иқтисодий сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.
Ўқув машғулотининг мақсади: бозор иқтисодиёти ва бозор борасидаги маърузада олинган билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш.	
Педагогик вазифалар: - маърузада олинган билимларни мустаҳкамлаш ва улар асосида докладла тайёрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - билимларни тизимлаштириш таққослаш, умулаштириш, иқтисодий	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: – бозор иқтисодиёти ўқиш даврига таъриф беради; – ўқиш даврининг миллий андозаларини тавсифлайди; – Ўзбек моделининг хусусиятларини санайди; – ислохотлаштириш стратегияси мазмунини ёритади; – мулкдан самарали фойдаланиш учун йўналишлар рўйхатини тузади;

категорияларни таҳлил қилиш жараёнларни ташкил этиш; - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш.	– ислохотлар чуқурлаштириш борасида муаммоли вазифаларни ҳал қилишда назарий билимларни қўлайди.
<i>Таълим усуллари</i>	Муаммоли усул, “Кластер” усул ”Иқтисодчи улкасига саёҳат” технологияси
<i>Таълимни ташкиллаштириш шакли</i>	Оммавий, жамоавий, гуруҳли.
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, видеопоектор, А32 ўлчамдаги қоғозлар, маркерлар, скоч, ўқув материаллар.
<i>Таълим бериш шароити</i>	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган хона.

(2-жадвал)

““Нон пишириш технологиясини хусусиятлари” мавзуси буйича

муаммоли семинарнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талабалар
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа.)	1.1.Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. 1.2. Олинган билимларни текшириш мақсадида асосий тушунчалар борасида савол-жавоб ўтказади (5-илова). 1.3. Дарс машғулотига гуруҳларда ишлаш технологиясидан фойдаланган ҳолда амалга	Тинглайдилар ёзиб оладилар, саволларга жавоб берадилар ва аниқлаш тирадилар

	оширилишини эълон қилади. Гуруҳда ишлаш қоидаларини эслатади. Иш тартиби ва регламентни аниқлаштиради (1,2-илова). Ўқув муаммони ҳал этишда фаоллаштириш жараёнида талабалар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлайди.	
2-босқич. Асосий (60 дақиқа)	2.1. Талабаларни 5 нафардан қилиб гуруҳларга ажратади. Назорат ва натижаларни баҳолаш учун экспертлар гуруҳини шакллантиради. Гуруҳларга ўқув топшириқларини топширади (3-илова). Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (4-илова) билан, қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги билан (дарслик, маърузалар матни, Президент И.А.Каримов асарлари) таништиради. Гуруҳларда ишлаш бошланганлигини эълон қилади. 2.2. Тақдимот ва натижаларни баҳолашни ташкил этади. Изоҳлайди, жавобларни тартибга келтиради, асосан ишларни бажариш жараёнида шаклланган хулосаларни умумлаштиради.	2.1. Ўқув топшириқлари , баҳолаш мезонлари билан танишади, топшириқни гуруҳга тақсимлайди, умумий маърузани шакллантирад и. 2.2. Натижаларни презентация қилади, назорат саволларига жавоб беради. Қолган иштирокчилар тақдимотни тўлдирадилар ва саволлар беради. Экспертлар баҳолайди
3 босқич. Якуний	3.1. Ўқув фаолиятини якунлайди. Талабалар	3.1. Тинглайди

(10 дақ.)	диққатини асосий жиҳатларга қаратади. Муаммони ҳал қилиш жараёнида ғолиб бўлган гуруҳни аниқлайди ва баҳолайди. 3.2. Мустқил иш учун вазифа беради.	лар, аниқлашти радилар. Мустақил иш учун вазифа ларни ёзиб оладилар.
-----------	---	--

Технологик харитада кўрсатилгандек дарс 3 босқич бўлиб ўтилди. Муаммоли семинарнинг биринчи босқичи ташкилий қисм ва ўтган мавзуни мустаҳкамлашдан иборат эди. Ташкилий қисмни (талабалар билан саломлашиш, аудиторияни тозалигини кўздан кечириш ва талабарни йўқлама қилишдан) бошладим ва унга 5 дақиқа ажратдим. Ўтган мавзуни мустаҳкамлаш учун яна 5 дақиқа сарфладим, бунда “Ақлий хужум” усули қўлланилди: “Нон пишириш” сўзини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади? – деб талабаларга мурожаат қилдим.

Муаммоли семинар дарсимнинг иккинчи босқичида **“Сервисчилар ўлкасига саёҳат”** технологияси усулини қўлладим.

Талабаларга “Иқтисодчи ўлкасига саёҳат” технологияси ҳақида тушунча бердим. Мазкур усул ҳозирги вақтда илғор таълим технология асосида жорий этилади. Технологиянинг мақсади - талабалар иқтисодий билимларини чуқурлаштириш, уларда иқтисодий идрок ва зеҳни шакллантириш. Мазкур технология беллашув тарзида ҳам уюштирилиши мумкин. Унда гуруҳни бешта кичик гуруҳга бўлиб, ҳар бир гуруҳда 5тадан талаба иштирок этиши керак.

Демак, технологияни ташкил этиш жараёнида гуруҳ 5та кичик гуруҳларга бўлинди ва ҳар бир кичик гуруҳ битта кўчанинг номи билан номланди.. Мазкур кўчаларда бўлган вақтларида улар номи билан боғлиқ шартларни бажарди. "Сервисчилар ўлкасига саёҳат" технологиясини шартли номлар билан номланувчи "кўчалар" (4-жадвал)да кўрсатилган:



Микрогуруҳда ишлаган талабарнинг баҳолаш мезони:

Назариётчилар кўчаси”- гуруҳнинг аъзолари	Жавобларнинг тўлиқлиги (1,0)	Қардош гуруҳларни диққат билан эшитгани (0,4)	Гуруҳ иштирок чисининг фаоллиги 0,6)	Баллар.	Баҳоси.
1.Усмонов Т	1,0	0,4	0,6	2,0	аъло
2.Турсунова Ю	1,0	0,4	0,6	2,0	аъло
3.Олимов А	0,7	0,1	0,4	1,2	қониқарли
4 Мардиева З	0,9	0,3	0,5	1,7	яхши
5Жумағулов Ф	0,8	0,3	0,5	1,6	яхши

Ноанъанавий дарснинг таҳлили: Бу ҳаётимдаги биринчи, мустақил, ноанъанавий дарсим эди. Сартепо туризм ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунара коллежининг 135 гуруҳ талабаларини ва Тўхтамишев Азиз Қаҳрамоновичнинг ёрдамлари катта бўлди. **“Нон пишириш технологиясини хусусиятлари”** мавзудаги дарсимда яъни 80 дақиқа

давомида ҳам 2 та таълим технологияларнинг усулларида фойдаланишга, ҳам янги мавзунини тушунтириб беришга ҳаракат қилдим.

Менинг назаримда дарс ўз мақсадига етди. “Сервисчилар ўлкасига саёҳат” таълим технологиясини биринчи бор қўлладим ва у менга ёқди, менинг назаримда дарс самарали бўлди, чунки барча талабалар фаол иштирок этди, ҳар бир талаба баҳоланди, бир бирини диққат билан эшитишга ҳаракат қилди ва мавзу бўйича кўникма ҳосил қилди.

Дарс давомида барча талабаларни фаоллаштиришга, утилган мавзунини мустаҳкамлашга, ҳар бир талабага ўз фикрини эркин ифода этишини таъминлашга ва шунга эришишга ҳаракат қилдим. Мазкур технологияларнинг усуллари қўллаш орқали машғулотнинг мақсади ва мазмунига талабаларнинг ўзлари тезроқ етиб келдилар ва келгуси фаолиятларида нимага эътибор бериш лозимлигини ўзлари англадилар, бир-бирларига ва ўзларига нисбатан танқидий фикрлай олдилар, ҳулосани ҳам ўзлари чиқаришга ўргандилар.

Саттепо туризм ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг ўқитувчилари дарсимга қўйидаги фикр билдирди:

“Нон пишириш технологиясини хусусиятлари” мавзусида ўтилган дарс жараёни бизга жуда ёқди. Умарова Наргиза хали ёш бўлишига қарамасдан тиришқоқ, билимга чанқоқ, кўриниб тўрибди дарсга жуда яхши тайёргарлик кўрган, маъсулият билан ёндашган. Чунки таълим технологияларини маҳорат билан жорий этди ва ҳар бир талабани фаоллаштиришга ҳаракат қилди.

Қисқа вақт ичида кенг ҳажмдаги маълумотларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилиши таъминланди. Дарсда ҳар бир талабага индивидуал ёндашилди ва индивидуал баҳоланди.

Аммо, тажриба етмаганлиги сабаб дарсда камчиликлар ҳам кўзатилди:

Дарсда баҳс-мунозара мобайнида шовқин юзага келди, дарснинг охирида янги адабиётларни эълон қилмади, ва 5 минут вақти етмагани сабаб танаффус вақтида ҳам талабаларни олиб ўтирди.

Демак, юқоридаги фикрларни умумлаштириб, ягона бир хулосага келамиз:

Анъанавий таълимдаги ўқитувчининг тўла назорати – барча талабалар учун мотивация иштиёқини вужудга келтирмас экан, натижада талабаларнинг машғулотдаги пассивлигига ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасини пасайишига олиб келар экан.

Ноанъанавий таълимда эса- замонавий таълим технологияларни ўқув жараёнида қўллаш орқали талабалар билан индивидуал ҳолда ишлаш талабаларни кенг доирада турли ғояларни бера олиши, таълим жараёнида якка, кичик гуруҳ ҳолда таҳлил этиб хулоса чиқара олиши мантиқий фикрлашига имконият яратар экан.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатган бўлса, замонавий таълим технологиялар орқали талабалар ўзлари эгаллаётган билимларни ўзлари излаб топадилар, ўзлари мустақил фикрлайдилар ҳаттоки қарор ёки хулосани ҳам ўзлари чиқарадилар. Ўқитувчи эса фаолиятни бошқариб, кузатиб, йўналтириб боради.

XX асрнинг бошларида яшаган немис олими Рудольф анъанавий дарс ҳақида шундай деган экан: “Фақат эшитиш ва кўриш методи билан таълим олган талабалар жуда пассив зотларга айланадилар. Улар ҳаётий ҳақиқат олдида ожиз бўладилар”¹⁴

Бу фикр ҳозирги кун учун янада долзарбдир. Чунки, XXI аср яъни “ахборот технологияси асрида” таълим жараёнини технологиялаштириш ижтимоий зарурат туғдирмоқда.

Технологик ёндашув эса таълим жараёнини ўзаро узвий боғлиқлик босқичларга ажратиш, қўйилган мақсадга эришиш учун белгиланадиган

¹⁴ Саидахмедов Н. “Янги педагогик технологиялар” Т.: “Молия”, 2003. 63б.

амалларни бажариш учун ва маълум кетма-кетликда амалга оширишни лойиҳалаштирилган иш ва амалларни бир хил талаб асосида бажаришни назарда тутди. Ўқув материали таълим мақсадига мос тузилади.

3.2. Сартепо туризм ва маиший хизмат кўрсатиш коллежида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ва мажбуриятлари.

Ташкилотларда ва барча таълим муассасаларида ҳар бир раҳбар ва мутахассиснинг Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига амал қилиш, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятида тўғри ҳал этиши, унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги билан бир қаторда унинг таркибий қисми бўлган меҳнатни техника хавфсизлиги ҳамда ёнғиннинг олдини олиш масалалари ҳозирги вақтда энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун асосида ишлаб чиқаришдаги инсон соғлиги учун зарарли бўлган омилларни бартараф қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария-гигиеник жиҳатдан қониқарли ҳолатда бўлиши учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш масъулияти маъмурият зиммасига юклатилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Касб ҳунар коллеж ва лицейларда фаолият юритган ҳар бир педагог ўзини иш жойида хавфсизлик техникаси, корхона санитарияси ва ёнғин хавфсизлиги қоида, норма ва йўриқномаларига риоя қилиши, риоя қилмаган ҳолда эса жароҳатланишга, захарланишга ва касб касалликларига олиб келиши мумкин. Битирув олди малакавий амалиёт ўтаган чоғимда меҳнат хавфсизлигига риоя қилдим.

Биринчи ўринда санитария-гигиеник қоидаларга риоя қилишга ҳаракат қилдим: яъни аудиторияни шамоллатиб, навбатчи талабалар билан биргаликда - жихозларни устидаги чангларни артиб, чанг қолмаганлигини назорат қилдим. Аудитория чангининг ўқитувчи ва талабалар саломатлигига зарарли таъсири кўп омилларга боғлиқ бўлади.

Масалан, ташқи ҳарорат кўтарилганда ёки киши ақлий меҳнат билан шуғулланганда тез-тез нафас олиш натижасида организмга чанг кириш натижаси ошади. Бир вақтда чанг таркибида радиоактив аэрозолларнинг

бўлиши ва ҳаводаги бошқа газлар таъсири чангнинг организмга зарарли таъсири кучайтиради.

Масалан сервис технолог-педагог асосан тушунтириш ишларини оғзаки баён этади, мана шундай жараёнда чанг оғиз орқали организмга киради ва ўқитувчининг касбий касаллигига учраши мумкин.

Чанг ажралишнинг гигиеник таъсиридан ташқари яна бошқа салбий томонлари бор: у технологик жихозларнинг емирилишини тезлаштиради, қимматбаҳо материалларни ишдан чиқариб, иқтисодий зарар етказди. Бундан ташқари ишлаб чиқариш муҳитининг умум санитария ҳолатини ёмонлаштиради, жумладан, дераза ва ёритувчи асбобларни ифлослантириши оқибатида ёруғликни камайтиради. Чангнинг баъзи турлари, масалан кўмир, ёғоч чанглари ёнғин ва портлашнинг юзага келишига шароит яратади.

Иккинчи ўринда ҳар бир педагог ноанъанавий дарсини ахборот технология ёрдамида ўтмоқчи бўлади, шунда барча техник воситаларни хавфсизлигини текшириб чиқиш кераклигини эсдан чиқармаслиги керак. Хаттоки оддий электр носозлиги бўлса ҳам аудиториядаги шахсларнинг шикастланишлари жиддий бўлиши мумкин. Электр ускуналарнинг носозлиги ёки уларни ишлатиш қоида- талабларига амал қилмаслик, одамнинг шикастланишига олиб келади. Электр токи одам танасига термик, электролитик ва биологик хилда таъсир этиши мумкин. Натижада одамнинг нафас олишида, юрак фаолиятида, моддалар алмашувида, қон таркибида ва бошқа аъзоларида ўзгариш бўлиши мумкин.

Электрдан шикастланиш электрик куйишга, терининг металланишига, электр белгиларига, электроофтальмияга, механик таъсирга олиб келиши мумкин.

Меҳнат муҳофазасининг учинчи ўриндаги шикастланиш бу захарли моддалар ва улардан эҳтиёт бўлиш. Захарли моддалар одам танасига нафас олиш йўли ёки тери орқали, овқат ейиш вақтида, ифлосланган сувни истеъмол қилинганда ўтади ва сақланувчи захарланишга олиб келади.

Тўртинчи ўринда- шовқин ва титраш бўлади. Одам учун ёқимсиз ҳар қандай товушлар шовқин деб аталади. Амалиёт вақтида интерфаол усуллар асосида дарсларни ташкил этдим ва, албатта аудиторияда шовқин содир бўлар эди, бу эса ўқитувчини ҳам, талабаларни ҳам организмга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки ҳар бир талаба ўз фикрини билдиришга ҳаракат қилар эди (гуруҳда 27 нафар талаба). Бундан чиқадики, ҳар бир мутахассис ўзининг фаолиятига тайёр бўлиши; яъни ўз-ўзини психологик нуқтаи назардан тайёрлаши керак бўлади.

Халқаро тажриба изланишларнинг кўрсатишича асосан ишлаб чиқаришдаги шикастланишларнинг 60-90%и зарар кўрган кишиларнинг меҳнатини муҳофаза қилишда психологик билимларни татбиқ қилишни ифодалайди. Бу ерда меҳнат фаолияти жараёнида кўринадиган психологик ҳолатлар турлари тўлиқ текширилади, психологик жараёнлар, психик хусусиятлар кўриб чиқилади.

Инсоннинг психик фаолиятида икки асосий гуруҳ: - психик жараёнлар ва психик ҳолатлар фарқланади.

Психик жараёнлар психик фаолиятнинг асосини ташкил қилади. Бусиз билимларни жамлаш, ҳаётий тажрибага эга бўлиш мумкин эмас.

Меҳнат психологияси вазифалари ва хавфсизлик муаммоларидан келиб чиқиб ҳолатларни ишлаб чиқариш ва махсус психик ҳолатларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бу ишлаб чиқаришдаги шикастланиш, бахтсиз ходисаларни олдини олиш чораларини ташкил этишда муҳим ўрин тутади. Инсоннинг қобиляти, самарали меҳнат фаолияти унинг психик(руҳий) кучланиши даражасига боғлиқ. Психик кучланиш инсоннинг меҳнатига маълум даража- чегарагача ижобий таъсир этади. Фаолликни критик нуқтадан юқорига кўтариш иш қобилятини юқотишгача олиб келиши мумкин.

Ўқитувчи учун нормал шароитдаги ҳис-туйғу ва меҳнат қилиши учун руҳий кучланиш даражаси 40-60% дан ошмаслиги кўзда тутилади, акс ҳолда бу унинг иш қобилятининг пасайишига олиб келади.

Психик кучланишнинг чегарадан юқори даражасида инсоннинг шахсий хусусиятлари пасаяди, ҳаракат координати ўзгаради, хулқи самарасиз ҳолатга ўтади ёки ҳаёт фаолиятида бошқа салбий ўзгаришлар намоён бўлади. Чегарадан юқори психик кучланишни хусусиятига қараб уни тўхталувчи ва қўзғатувчи турларга ажратиш мумкин.

Психик кучланишнинг тўхталувчи инсон ҳаракатининг пасайишига ва чекланишига олиб келиши билан ифодаланади. Касб эгаси вазифани аввалгидек шижоат билан бажаришга қодир бўлмайди, жавоб бериш хусусияти ва тезлиги пасаяди. Бунинг натижасида хотиралаш, фикрлаш жараёни секинлашади, ёмонлашади ва шу каби бошқа салбий омиллар кузатилади.

Инсоннинг психик ҳолатига таъсир этадиган омиллар – умидсизланиш, кайфиятнинг бузилиши, қўполлик аломатлари, йиқилиб тушиш, толиқиш кабилар бўлмаслиги учун маълум ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шу жумладан, инсоннинг саломатлигига, иш ҳолатига, психологик фаолиятига ижобий таъсир этадиган психофармокологик воситалар ишлаб чиқилган ва улар тавсия этадиган тақдирда қўлланилади.

Енгил стимуляторлар (чай, кофе)ни қўллаш инсоннинг иш қобилиятини қисқа вақтга оширади, уйқусини қочиради.

Хуллас, касб-ҳунар коллеж ва лицейларнинг шароити асосида тарбияланувчи инсонни психик ҳолати барқарор бўлиши учун чора-тадбирлар кўриш, такомиллашган назорат усулини уюштириш асосида вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Хулоса

Бугунги кунга келиб, ноанъанавий усуллар, инновацион технологиялар, таълим ва ахборот технологияларини таълим жараёнида қўллашга бўлган кизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Демак, бунинг асосий сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи - талабалар фақат тайёр билимларни эгаллашга ургатилган бўлса, замонавий технологиялар эса, уларни эгаллаётган билимларини узлари қидириб топишларига, мустақил урганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам узлари келтириб чиқаришларига ургатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йуналтирувчилик функцияларини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланади.

Таълим технологияларнинг узига хос хусусияти шундаки, унда таълимнинг режалаштирилган мақсадига эришишни кафолатлайдиган ушлаштириш жараёни лойиҳалаштирилади. Ўқитувчи ва талабанинг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ: натижага эришишга қаратилган, бунда талабаларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади.

Мен “Нон пишириш технологияси ҳақида асосий маълумотлар” бобини ўқитишда ноанъанавий таълим усулларида фойдаланиш”(касб-хунара коллежлари мисолида) мавзусида битирув малакавий ишим юзасидан тадқиқотлар олиб бориб, шу хулосага келдимки, таълимда ўқув машғулотларнинг доимий равишда бир хилда такрорланиши талабаларда лоқайдлик, билим олишга нисбатан масъулиятсизлик кайфиятини ҳосил қилади. Шу боис, айтиш вақтида бундай ҳолатни олдини олишнинг энг самарали йўли сифатида таълим муассасалари фаолиятига замонавий таълим технологияларни изчил, мақсадга мувофиқ равишда татбиқ этиш эътироф этилмоқда

Шунинг учун мен ўзимнинг БМишимда, ноанъанавий таълим усуллари асосида педагогик фаолиятни ташкил этиш индивидуал ва ижодий хусусиятга эга деб фикр юритдим. Таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишда таълим технологиялардан фойдаланиш ҳар бир педагогнинг шахсий имкониятлари, касбий маҳорати ҳамда ижодкорлик лаёқати даражасига боғлиқ деб уйлайман.

БМ ишимнинг мақсадидан келиб чиқиб : ўқув жараёнида ноанъанавий таълим технологияларининг ўрни ва ҳолати ўрганиб чиқилди, ундаги ютуқ ва камчиликлари аниқланди, таълим технологияларининг илмий-назарий ва ташкилий-услубий жиҳатлари ўрганилиб уни қўллашнинг амалий таклифлари ишлаб чиқилди.

Ишнинг I боби “Ўзбекистонда ноанъанавий таълим усулларида фойдаланишнинг ўқув жараёнида ўрни ва аҳамияти” деб номланади.

Бу бобда “Кадрлар тайёрлаш миллий модели” ва таълимни ислох қилиш муаммолари, Ўрта махсус таълим тизимида ўқитувчи ва талаба шахси фаолиятини уйғунлаштириш технологиялари ҳамда ўқув жараёнида ноанъанавий таълимдан фойдаланишнинг долзарблиги ўрганилди.

Ўзбекистонда таълим самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш муаммолари билан шуғулланган Республикамизнинг бир қатор олимларининг жумладан: Р.Ишмуҳаммедовнинг “Таълимда инновацион технологиялар”, Б. Зиёмуҳаммедовнинг “Педагогик технология” Ў.Қ.Толипов, М.Усмонбоеваларнинг ”Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари, Азизхўжаеванинг “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” адабиётлари билан танишиб ,уларнинг илмий ишлари БМишимнинг биринчи бобига назарий ва услубий жиҳатдан асос бўлиб хизмат қилди.

Битирув малакавий ишимнинг II боби “Касбий таълимини ташкил этишда ноанъанавий таълим усулларида фойдаланиш ва уни ўзига хос хусусиятлари” деб номланди. Бу бобда таълим ноанъанавий таълим усулларида дарс жараёнида қўлланиш тартиби (механизми), таълим

технологияларининг турлари ва уларнинг мазмуни ҳамда ўқув жараёнида замонавий таълим технологияларидан унумли фойдаланиш имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берилган ва мустақил тадқиқот асосида асослаб берилган.

Тадқиқотнинг III боби “Касб-ҳунар коллеж талабаларининг фаоллигини оширишда ноанаънавий таълим усулларидан фойдаланиш йўллари ва имкониятлари”. деб номланган. Бу бобда ўқув жараёнида талабалар фаоллигини оширишда ноанаънавий таълим усуллари жорий этиш, сервис фанларни ўқитиш жараёнида таълим технологияларни амалиётда қўллаш тажрибаси, унинг ютуқ ва камчиликлари, таълим технологиялардан фойдаланишнинг йўллари ва воситалари ҳамда уларни қўллаш самарадорлиги каби масалалар ўрганилди. Мазкур бобда битирув олди амалиётда 3 та таълим технологияридан фойдаланган ҳолда дарс ўтганлигим, унинг афзалликлари ва камчиликлари, унинг самарадорлиги, ва тадқиқотнинг натижалари ёритиб берилган.

Тадқиқот ишимда ноанаънавий таълим усуллари назариясининг моҳияти, унинг шаклланиши ҳамда афзалликлари, талабалар фаоллигини оширишдаги муҳим ўрни ва роли, шунингдек, ноанаънавий таълим усулларни таълим (иқтисодий ўқув фанларини ўқитиш) жараёнига татбиқ этиш шартлари хусусида тушунча беришга ҳаракат қилдим

Ўрганишлар асосида, таълим тизимида ноанаънавий таълим усуллари қўллаш бир қадар мураккаб жараён бўлиб, мазкур жараёнда мутахассислик йўналишлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш тақозо этилади. Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида ноанаънавий таълим усуллари ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш муаммолари қуйидагилардан иборат эканлиги аниқланди:

- ноанаънавий таълим усуллари назарияси ва унинг асослари борасида маълумотлар бера олувчи манбаларнинг етарли эмаслиги;

- мавжуд манбаларда хусусий фанлар, шунингдек, муайян таълим муассасаларининг фаолият йўналишларига ҳамда хусусиятларига мувофиқ

уларнинг фаолиятига таълим технологияларни тадбиқ этиш механизмининг ишлаб чиқилмаганлиги;

- ноанаънавий таълим усуллари таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш йўлида амалга оширилган тадқиқотлар натижаларининг яхлит ҳолда таҳлил этилмаганлиги ҳамда бу борада қўлга киритилган тажрибаларнинг оммалаштирилиши борасида суствашликнинг мавжудлиги;

- таълим муассасалари, шу жумладан, академик лицей ва касб-хунар коллеж муассасаларида фаолият юритаётган педагогларнинг замонавий ноанаънавий таълим усуллари пухта ўзлаштирмаганликлари ҳамда ўз фаолиятларида улардан самарали фойдаланиш малакаси (тажрибаси)га эга эмасликлари;

- педагог ходимларни тайёрлаш жараёнини технологиялаштириш борасида кенг қўламли амалий ҳаракатнинг ташкил этилмаганлиги.

Қайд этиб ўтилган муаммоларнинг бартараф этилиши етук мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, бўлғуси педагогларда умуммехнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратишни таклиф этиш мумкин:

- 1) Тадқиқот анъанавий ва ноанъанавий таълим усулларида фойдаланган ҳолда ташкил этилди ва ўқув жараёнида талабалар фаоллигини оширишда замонавий таълим технологияларининг самараси юқорилигига яна бир бор амин бўлдик, шу боис Республикамиздаги барча касб-хунар коллеж ва академик лицейларда иқтисодий фанларни ўқитишда ҳар бир дарс жараёнида замонавий таълим технологияларини қўллаган ҳолда машғулотларни ташкил этишни тавсия қилиш мумкин;

- 2) Бўлажак сервисчи-педагог ноанъанавий таълим асосларини ҳамда ўқитишнинг интерфаол, репродуктив ва муаммоли изланиш ноанъанавий таълим усуллари пухта ўзлаштириши ҳамда ўз фаолиятларида улардан самарали фойдаланиш малакаси (тажрибаси)га эга бўлиши;

3) Таълим технологиялари назарияси ва унинг асослари борасида маълумотлар бера оловчи манбаларни чоп этиш, яъни иқтисодий фанларни ўқитишда “Картотека”, “Пинборд”, “Иқтисод улкасига саёҳат”, “Вазиятлар усули”, “Ўқув лойиҳалар” ва “Кейс-стади” замонавий таълим технологиялари борасида маълумотлар бера оловчи манбалар(ўқув қўлланма, электрон дарсликлар)ни чоп этиш;

4) Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларда таълим технологияларини қўллаш соҳасида иқтисодчи-педагоглар учун “ўқув марказ”ларини, ахборот воситалари ва техник воситалардан фойдаланишни таъминлаш мақсадида компьютер курсларини ташкил этиш ҳамда педагог кадрлар ўзаро дарсларга мунтаззам қатнашиш ва тажриба ортириши;

5) Таълим жараёнида таълим шаклига мос ҳолда хоналарнинг жиҳозланиши, ноанъанавий таълим усуллари қўллаганда вақт чегарасини стандартлаштиришга ҳамда техник жиҳозлар ва электр токларидан фойдаланилганда хавфсизликни таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари Президент фармонлари ва қарорлари, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар.

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2005.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни. –Т. "Ўзбекистон" 1997 йил 29 август.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонун. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами.
- 1.5. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари.

1. «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. //Халқ сўзи газетаси, 2011, 3-июн.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

- 3.1. Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т.: «Ўзбекистон», 1998.
- 3.2. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда». Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси. 1999 йил 14 апрел. Т.: Ўзбекистон.
- 3.3. Каримов И.А. «Баркамол авлод орзуси». Т.: «Шарқ», 1999.
- 3.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 2014 йил 19-январ.

IV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари.

- 4.1. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли Қарори.

4.2.«2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими педагог ва муҳандис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли Қарори.

V. Асосий адабиётлар.

5.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш- устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз- Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли марузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: Иқтисодиёт.- 2010.-340бет.

5.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир” Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма.”Q`qituvchi” Нашриёт – Матбаа Ижодий Уйи., Тошкент – 2014. 104 бет.

5.3. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат, Т.:

5.4. Мавлонова А., Тўраева О., Холиқбердиев К. Педагогика Т.: «Ўқитувчи», 2011.

5.4. Подласий И.П. Педагогика. Учебник. М.: Више образования. 2009.

5.5. Сайидмуродов Н. Янги педагогик технологиялар. Т.: «Молия», 2008.

5.6. Йўлдошев Ж, Хасанов С. Педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма -Т.: “Иқтисод-молия”, 2009. -300 бет.

5.7.Омонов Х.Т., Хўжаев Н.Х., Мадярова С.А., Эшчонов Э.У. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Дарслик.-Т.: Иқтисодиёт молия. 2009. 97-бет.

5.8.Ҳакимова М.Ф., Хужаев Н. Педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма - Т.: “ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯ”, 2008. – 138 бет.

5.9.Назизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.

Дарслик. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. 2007. -160 бет.

5.10. Асқарова.Ў. “Педагогика” - Тошкент : “Фан” 2008 йил 58 бет.

5.11. Азизходжаева Н.Н. Основные тенденции развития высшего педагогического образования в Ўзбекистане /Под ред. В.А.Сластенина. - Т.: Фан. 2000. –143 с.

5.12. Зиёмухаммедов. Б.”Педагогик технология” Тошкент :”Турон-Иқбол” 2006 йил 88 бет.

5.13. Искандаров Э.А., Суюнов О.Ж. “Педагогик технологиялар” ўқув қўлланма Самарқанд 2012.

5.14. Суюнов О. Ж.”Янги педагогик техналогиялар ва педагогик маҳорат” ўқув услубий қўлланма Самарқанд-2011.

5.15. Суюнов О. Ж. “Педагогик технологиялар” маърузалар курси Самарқанд-2010.

5.16.“Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат ва сервисини ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари” ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президент қарори, 2006 йил 17 апрел. Тошкент.

5.17. Аванесова Г.А. Сервисная деятельность: Историческая и современная тика, предпринимательство менеджмент. Учебное пособие. - М.: ЗАО Издательство “Аспект Пресс”, 2004. – 318 с.

5.18. Ромонович Ж.А., Каличев С.Л. Сервисная деятельность. учебник. – М. Изд-ство торг. корпорация “Дашков и К”, 2007, - 268 с.

5.19. Обслуживание на предприятиях общественного питания. Серия “Учебника ХХІ века”. Радченко А.А., Ростов Н.Д.: Феникс, 2001 г.

5.20. Туризм, гостеприимство, сервис: Словарь-справочник / Г.А.Аванесова, Л.П.Воронкова, В.И.Маслов, А.И.Фролов. Под ред. Л.П.Воронковой. – М.: Аспект Пресс, 2002 – 367 с.

5.21. Ресторанный сервис: Основы международной практики обслуживания для профессионалов и начинающих / С.иЛ. Зигель, ХиР Ленгер,Г.Штиклер, В.Гутмайер/ Пер. с нем. Ю.О.Бема. – М.: ЗАО. Изд-во Центрополиграф, 2003. – 288 с.

- 5.22. Морозов М.А. Экономика и предпринимательство в социально-культурном сервисе и туризме: Учебник для студ. вузов. – 2-е изд. и спр и доп. – М.: Изд. центр “Академия”, 2006. – 288 с.
- 5.23. Грибов В.А. Леонов А.Л. Экономика предприятия сервиса: Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2006. – 280 с.
- 5.24. Виноградова М.В., Панина В.И. Организации и планирование деятельности предприятий сферы сервиса: Учебное пособие. – М.: Дашков и К, 2007. – 464 с.
- 5.25. Николайчук Н.Е. Маркетинг и менеджмент услуг. Деловой сервис. – СПб: Питер, 2005 . – 608 с.
- 5.26. Наволицкая Я.Г. Руководство современного менеджера ресторана. – М.: Вершина, 2006. - 224 с.
- 5.27. Сервис XXI век. №1(5) – 2006. – 64 с.
- 5.28. Теоретические и прикладные проблемы сервиса. Научный журнал, № 4(17), 2005, - 64 с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисобатлар.

- 6.1. Иқтисодиёт ва таълим. Журнал. 2014. 1-2 сонлар.
- 6.2. Халқ таълими. Журнал. 2013-2014 й. 1-2 сонлар.
- 6.3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013-2014 йилдаги малумотлари.

VII Интернет сайтлари

1. www.gov.uz.
2. www.пресс-сервисе.уз.
3. www.билим.уз.
4. www.философия.ру.

ИЛОВА:

1-илова

Фаол ўқитиш методи

